

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ
ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

«ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИНИ БОШҚАРИШ» КАФЕДРАСИ

**БАКАЛАВРИАТ 5610100-ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИНИ БОШҚАРИШ ВА
ЮРИТИШ ЙЎНАЛИШИ**

4.35 - ГУРУХ ТАЛАБАСИ

Абдуназаров Умарали Хўрозовичнинг

**Б И Т И Р У В
М А Л А К А В И Й И Ш И**

**МАВЗУ: фермер хўжалигида сарфланаётган капитал қўйилмаларнинг
иқтисодий самарадорлигини ошириш йўллари**

Илмий раҳбар:

«Фермер хўжалигини бошқариш»
кафедраси, катта ўқитувчи

Г.К. Наринбоева

“Иш кўриб чиқилди ва ҳимояга қўйилди”

“Фермер хўжалигини бошқариш”
кафедраси мудири, доцент

_____ Р.Х.Пулатова

2014 йил “_____” _____

“Фермер хўжалигини бошқариш”
факультети декани, доцент

_____ А. Шокиров

2014 йил «_____» _____

ТОШКЕНТ – 2014

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ
ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИНИ БОШҚАРИШ ФАКУЛЬТЕТИ
ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИНИ БОШҚАРИШ КАФЕДРАСИ

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Кафедра мудири

доцент Пулатова Р.Х.

201__ йил «__» _____

Фермер хўжалигини бошқариш ва юритиш йўналиши

4 курс 35-гуруҳ

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ БЎЙИЧА ТОПШИРИҚ

Талаба : Абдуназаров.У.

1.Битирув малакавий ишининг мавзуси: Фермер хўжалигида сарфланаётган капитал қўйилмаларнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш йўллари
 Кафедранинг 17.12.2013 йилдаги 7 мажлисида маъқулланган.

2. Битирув малакавий ишининг топшириш муддати: 20.05. 2014 йил

3.Битирув малакавий ишини бажаришга доир бошланғич маълумотлар:
 А.Абдуғаниев, А.А.Абдуғаниев, «Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти», Т. «Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт Жамғармаси», 2004 Саматов Ғ.А , Ёдгоров Ж.Ё, Рустамова И.Б. “Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш” Т. Тош.ДАУ,2005.

4.Ҳисоблаш тушунтириш ёзувларининг таркиби (ишлаб чиқиладиган масалаларнинг) рўйхати:Фермер хўжалигида сарфланаётган капитал қўйилмаларнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш йўллари ёритиш.

5.Жадвал ва чизма ишларининг рўйхати: 5 та жадвал, 1 та расм.

6. Битирув малакавий иши бўйича маслаҳатчи (лар)

Т. Р.	Бўлим мавзуси	Маслаҳатчи ўқитувчи Ф.И.Ш.	Имзо, сана	
			Топширик берилди	Топширик бажарилди
	Кириш	Наринбоева.Г.К	20.12.2013 й.	15.01.2014 й.
	I-Боб	Наринбоева.Г.К	15.01.2014 й.	25.02.2014 й.
	II -Боб	Наринбоева.Г.К	25.02.2014 й.	01.04.2014 й.
	III –Боб	Наринбоева.Г.К	01.04.2014 й.	01.05.2014 й.
	Хулоса ва таклифлар	Наринбоева.Г.К	01.05.2014 й.	20.05.2014 й.

7. Битирув малакавий ишини бажариш режаси:

Т. Р.	Битирув малакавий ишини бажариш босқичлари	Бажариш муддати(сана)	Текширувдан ўтганлик белгиси
1	Кириш	20.12.2013 й. 15.01.2014 й.	Бажарилди
2	I-боб.Капитал қўйилмаларнинг ижтимоий-иқтисодий асослари	15.01.2014 й. 25.02.2014 й.	Бажарилди
3	II-боб Фермер хўжалигида сарфланаётган капитал қўйилмаларнинг манбалари, уларнинг сарфланиш йўналишлари ҳолати таҳлили	25.02.2014 й. 01.04.2014 й.	Бажарилди
4	III-боб. Капитал қўйилмлар кўламини кенгайтириш ва самарадорлигини ошириш йўллари	01.04.2014 й. 01.05.2014 й.	Бажарилди
5	Хулоса ва таклифлар	01.05.2014 й. 20.05.2014 й.	Бажарилди

Битирув малакавий ишининг раҳбари:

Г.К.Наринбоева

“Топширикни бажаришга олдим”

У.Абдуназаров.

Топширик берилган сана: 201__ йил «____» _____

Мундарижа

Кириш.

Адабиётлар шарҳи.

I-боб. Капитал қўйилмаларнинг ижтимоий-иқтисодий асослари

I.1 Капитал қўйилмаларнинг моҳияти ва аҳамияти

I.2. Капитал қўйилмаларнинг иқтисодий самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар ва уларни аниқлаш усуллари.

II-боб. Фермер хўжаликларида сарфланаётган капитал қўйилмаларнинг манбалари, уларнинг сарфланиш йўналишлари ҳолати таҳлили.

2.1. Фермер хўжаликларида капитал қўйилмалар даражаси ва динамикасининг таҳлили

2.2. Фермер хўжалигида сарфланаётган капитал қўйилмаларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш .

III-боб. Капитал қўйилмалар кўламини кенгайтириш ва самарадорлигини ошириш йўллари

3.1. Фермер хўжалигида сарфланаётган капитал қўйилмаларнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш йўллари

3.2. Капитал қўйилмалар кўламини кенгайтириш ва ривожлантириш. .

Хулоса ва таклифлар.

Фойдаланилган адабиётлар.

Илмий раҳбар: Наринбоева.Г.

4-35 Абдуназаров.У.

КИРИШ

Мамлакатимиз инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари юксак қадрият бўлган ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамият барпо этиш йўлидан изчил ривожланиб

бормоқда. Иқтисодиётимизнинг турли соҳа ва тармоқлари ўртасидаги мутаносибликнинг кучайиши ҳамда барқарор ўсиш суръатларининг таъминланиши натижасида аҳоли даромадлари, турмуш даражасининг сезиларли равишда ошиши эртанги кунга бўлган ишончимизнинг тобора мустаҳкамланиб боришига замин яратмоқда.

Бозор муносабатларининг негизини турли мулк шаклларига асосланадиган хўжалик юритиш шаклларининг мавжуд бўлиши ва улар орасида бўладиган соғлом рақобат ташкил этади.

Республикаимиз қишлоқ хўжалигида вужудга келаётган янги хўжалик юритиш шакллари орасида фермер хўжаликлари муҳим аҳамият касб этади. Фермер хўжаликлари хўжалик юритишнинг шахсий манфаатдорлик, ташаббускорлик ва мулкый жавобгарлик принципларига таяниб, қишлоқ хўжалигида мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилик ва соғлом рақобат асосида ривожланиб боришига асосланади.

2013 йилда Инвестиция дастурини амалга ошириш доирасида мамлакатимизда 13 миллиард доллар қийматидаги капитал қўйилмалар ўзлаштирилди, бу 2012 йилга нисбатан 11,3 фоизга кўпдир. Ўзлаштирилган капитал қўйилмалар умумий ҳажмининг деярли ярмини, яъни 47 фоизини хусусий инвестициялар – корхоналар ва аҳолининг шахсий маблағлари ташкил этгани алоҳида эътиборга лойиқдир.¹

Жалб этилаётган инвестицияларнинг асосий қисми – 70 фоиздан ортиғи, биринчи навбатда, ишлаб чиқариш объектларини қуришга йўналтирилди, энг янги замонавий ускуналар харид қилишга сарфланган инвестициялар улуши эса қарийб 40 фоизни ташкил этди.

Умуман олганда, мамлакатимиз иқтисодиётига инвестиция киритиш ҳажми ялпи ички маҳсулотга нисбатан 23 фоиздан иборат бўлди.

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш йўналишлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси

Ўзлаштирилган умумий капитал қўйилмалар ҳажмининг 3 миллиард доллардан ортиғини хорижий инвестициялар ташкил этди. Шунинг 72 фоиздан зиёди ёки 2 миллиард 200 миллион доллари тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир.

Истикболда фермер хўжаликларини ривожлантириш масаласи қўп жиҳатдан уларни молиявий маблағлар билан таъминлаш ҳамда улардан оқилона фойдаланиш даражасига боғлиқ бўлади. Муҳтарам Президентимиз ҳақли равишда таъкидлаганларидек: ”Юртимизда фермер хўжаликларини моддий-техник таъминлаш ва молиялаш бўйича бозор иқтисодиёти тамойилларига тўла жавоб берадиган ишончли тизим ва механизмлар шакллантирилди ва муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда²”.

Юртимизда экин майдонларини оптималлаштириш ва қишлоқ хўжалиги экинларини районлаштириш борасида ҳар томонлама пухта ўйланган сиёсат олиб борилаётгани энг муҳим хомашё ва экспортбоп маҳсулот бўлмиш пахта етиштиришнинг нисбатан барқарор ҳажмини сақлаган ҳолда, бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни бир неча баробар кўпайтириш имконини берди. Энг муҳими, халқимизни озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлашга замин туғдирди, керак бўлса, уларни чет мамлакатларга экспорт қилишга имкон бермоқда. Хусусан, ғалла етиштириш 2000 йилга нисбатан 2 баробар, картошка – 3,1 марта, сабзавот – 3,2 баробар, узум – 2 марта, гўшт ва сут – 2,1 карра, тухум – 3,4 баробар ошди.

Ўтган 2013 йилда миришкор деҳқон ва фермерларимизнинг фидокорона меҳнати билан мисли қўрилмаган натижаларга эришилди – 7 миллион 800 минг тонна ғалла, 8 миллион 400 минг тонна сабзавот етиштирилди. Мамлакатимизнинг улкан хирмонига 3 миллион 360 минг тоннадан ортиқ пахта хомашёси етказиб берилди.

Юртимизда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг келажаги ҳақида гапирганда, ер ва сув ресурслари бўйича имкониятларимиз чекланганини ҳисобга

²Каримов И.А., “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари”, Т.:”Ўзбекистон”, 2009, 21-22 б.

олиб, бу борада ягона тўғри йўл – қишлоқ хўжалигини интенсив асосда ривожлантириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини тубдан яхшилаш, селекция ишларини чуқурлаштириш, юксак самарали замонавий агротехнологияларни жорий этиш ва сувдан оқилона фойдаланиш лозимдир.

2008 йилдан бошлаб мамлакатимизда қарийб 1 миллион 500 минг гектар суғориладиган ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланди, ер ости сувлари юқори бўлган майдонлар 415 минг гектарга ёки салкам 10 фоизга қисқарди, кучли ва ўртача шўрланган майдонлар 113 минг гектарга камайди.

2013-2017 йилларда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича комплекс чора-тадбирлар давлат дастурини қабул қилинган. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, барча манфаатдор идоралар, Фермерлар кенгаши ва авваламбор фермер хўжаликларининг ўзи ушбу дастурда кўзда тутилган чора-тадбирларнинг бажаришмоқда.

Имконияти, куч-қуввати кам бўлган фермер хўжаликлари ўзини зарур техника, айланма маблағ билан таъминлаш, кредит қобилятига эга бўлиш, энг асосийси, ўз харажатларини қоплаш ва фойда кўриб ишлаш, даромадни оширишнинг ишончли асосига айланолмаслигини бугун ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда.

Фермер хўжаликлари фаолиятини молиялаштириш, шу жумладан ўз маблағлари, кредитлар, капитал маблағлар ва лизингдан унумли фойдаланиш масалалари алоҳида олинган бир фермер хўжалиги мисолида тўлиқ ўрганиб чиқилмаган. Шу туфайли қишлоқ хўжалиги корхоналарини ривожлантиришнинг муҳим омилларидан бири сифатида уларни молиялаштириш манбаларини атрофлича ўрганиш ҳамда уларни такомиллаштириш бўйича назарий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш шу куннинг долзарб масалаларидан биридир.

Битирув малакавий ишининг мавзусини ўрганилганлик даражаси. Фермер хўжалигида сарфланаётган капитал қўйилмаларнинг иқтисодий самарадорлигини

ошириш йўллари билан хорижлик ва республикамизнинг кўпгина етакчи аграр-иқтисодчи олимлари тадқиқотлар олиб боришган. Жумладан, чет эллик олимлардан Е.Серова, Т.В.Тихонова, Л.Г.Холодов, И.Г.Храмова, Ф.К.Шакиров, Ю.В.Яковец, мамлакатимиз олимларидан Р.Ҳ.Ҳусанов, Қ.Чориев, А.Абуганиев, Б.Беркинов, Ф. Жўраев, Н.Хушматов ва бошқалар битирув малакавий иш мавзусига оид соҳада тегишли тадқиқотларни олиб борганлар.

Шунга қарамай, ҳозирги кунда, мазкур долзарб муамманинг кўпгина жиҳатлари, аниқроғи, фермер хўжалигида сарфланаётган капитал қўйилмаларнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш йўлларининг назарий, методологик ва амалий масалалари етарлича ўрганилмаган.

Мазкур битирув малакавий ишининг мақсади фермер хўжалигида сарфланаётган капитал қўйилмаларнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш йўлларининг назарий, методологик асослаш ва шунинг замирида регионал шарт-шароитларга мослашган амалий маслаҳатлар беришдир.

Адабиётлар шарҳи

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Бу маърузада 2013 йил якунлари ҳамда 2014 йил учун белгилаб берилган мамлакатимиз тараққиётининг устувор йўналишлари, мақсад-вазифалари ёритилган. Қишлоқ хўжалигини ривожланиш даражасини белгиловчи кўрсаткичлар кенг таҳлил

этилган. Қишлоқ хўжалигини эришган ютуқлари ва ривожлантиришнинг устувор вазифалари белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш” номли маърузаси. Бу маърузада 2012 йил якунлари ҳамда 2013 йил учун белгилаб берилган мамлакатимиз тараққиётининг устувор йўналишлари, мақсад-вазифалари ёритилган. Қишлоқ хўжалигини ривожланиш даражасини белгиловчи кўрсаткичлар кенг таҳлил этилган. Қишлоқ хўжалигини эришган ютуқлари ва ривожлантиришнинг устувор вазифалари белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2011 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маърузаси. Бу маърузада 2011 йил якунлари ҳамда 2012 йил учун белгилаб берилган мамлакатимиз тараққиётининг устувор йўналишлари, мақсад-вазифалари ёритилган. Қишлоқ хўжалигини ривожланиш даражасини белгиловчи кўрсаткичлар кенг таҳлил этилган. Қишлоқ хўжалигини эришган ютуқлари ва ривожлантиришнинг устувор вазифалари белгилаб берилган.

Каримов И. А. “Жаҳон молиявий –иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” (2009.) Бу китобда инқирозни бартараф этиш учун халқ хўжалигининг барча сохалари сингари қишлоқ хўжалигининг аҳамияти катта эканлиги кенг ёритилган. Қишлоқ хўжалиги миллий иқтисодиётга асосий валюта олиб келадиган сахалардан бири эканлиги алохида айтилган ва бу сохада мавжуд муаммоларни бартараф этиб уни янада ривожлантириш кераклиги таъкидлаб ўтилган.

И.А.Каримовнинг “Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди”

(2005) номли асари. Бу асарда мамлакатимизда амалга оширилган иқтисодий ислохотлар, уларнинг натижалари атрофлича таҳлил қилинган. Қишлоқ хўжалигида фермерларни ривожлантиришда уларни диверсификациялаш, яъни фермер хўжаликларида турли соҳаларни ривожлантириш, барқарор талабга эга бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқариш масалалари устида тўхталган.

Ғ.А.Саматов, И.Б.Рустамова, У.А.Шерипбаеваларнинг “Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти ва менежменти”(2012) дарслигида, агросаноат мажмуасининг мамлакат иқтисодиётининг кўп тармоқли тизимидаги ўрни, қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятининг ташкилий иқтисодий асослари, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини башорат қилиш ва режалаштириш, қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси, ер-сув ресурслари, меҳнат ресурслари, меҳнат бозори, қишлоқ хўжалигининг моддий-техника ресурслари ва улардан фойдаланиш самарадорлиги, қишлоқ хўжалигида шартномавий муносабатларни амалга ошириш асослари, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда инвестициялар ва уларнинг иқтисодий моҳияти, деҳқончилик, чорвачилик тармоқлари иқтисодиёти ва бошқаруви, қишлоқ хўжалигини интенсивлаштиришнинг иқтисодий асослари, ижтимоий ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархи, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг самарадорлигини ошириш йўллари, қишлоқ хўжалиги ялпи ва товар маҳсулотларини кенгайтирилган тақрор ишлаб чиқариш, шу билан бирга агрофирмаларни ташкилий иқтисодий асослари ва уларни бошқариш масалалари ёритилган.

Ғ.А. Саматов, Ж.Ёдгоров, И.Рустамоваларнинг “Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш”(2005) дарслигида иқтисодиётни эркинлаштириш ва қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштириш шароитида Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг илмий-амалий асослари, деҳқончилик ва чорвачиликни жумладан асаричиликни ташкил этиш, меҳнат мотивацияси, моддий техника таъминоти, ресурслардан оқилона фойдаланиш, товар маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг янги технологиялари ва инфратузилмалар фаолиятини мувофиқлаштирган ҳолда ўзаро ташкил

этиш, иқтисодий самарадорлик тамойиллари ва механизмлари ўз ифодасини топган.

Ф.Жўраев. “Қишлоқ хўжалиги корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш” (2004) дарслиги. Дарсликда иқтисодиётни эркинлаштириш ва қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштириш шароитида Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг илмий – амалий асослари, деҳқончилик ва чорвачиликни ташкил этиш, меҳнат мотивацияси, моддий – техника таъминоти, ресурслардан оқилона фойдаланиш, товар маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг янги технологиялари, фермер хўжаликлари ва инфратузилмалар фаолиятини мувофиқлаштирган ҳолда ўзаро ташкил этиш, иқтисодий самарадорлик тамойиллари ва механизмлари ўз ифодасини топган.

I-боб. Капитал қўйилмаларнинг ижтимоий-иқтисодий асослари

1.1. Капитал қўйилмаларнинг моҳияти ва аҳамияти

Капитал қўйилмалар ҳар қандай ижтимоий-иқтисодий формацияларда амалга оширилади. Чунки улар давлатни, тармоқ, корхоналар, ва ниҳоят, аҳолининг иқтисодий негизини мустаҳкамлашга сарфланади. Эркин бозор иқтисодида босқичма-босқич шакллантирилаётган Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантириш мақсадида инвестициялар сарфланиши объектив зарурият ҳисобланади. Чунки тармоқни устувор шаклда ривожлантириш учун унинг моддий-техника базасини мустаҳкам равишда барпо этиш зарур. Бунинг учун уни замонавий бино-иншоотлар, барча турдаги зарур техникалар, қишлоқ хўжалик механизмлари, ички ирригация ва мелиорация иншоотлари,

серунум, тезпишар навлар, зотли, маҳсулдор ҳайвонлар ҳамда айланма воситалар ва бошқа ишлаб чиқариш воситалари билан таъминлаш лозим.

Ҳозирги даврда инвестицион маблағлар янги, самарали технологияга ҳамда интеллектуал мулкни барпо этишга ҳам сарфланиши мақсадга мувофиқдир. Бу муаммонинг тўғри, самарали ҳал этилиши маълум миқдордаги капитал қўйилмалар сарфланишини объектив равишда талаб этади. Демак, капитал қўйилмалармаблағлари тармоқда доимий ва ўзгарувчан капитални ҳамда интелектни барпо этиш ва уларни ривожлантириш ҳамда юксалтириш учун сарфланади. У узоқ ҳамда қисқа муддатларга мўлжаллаб сарфланиши мумкин. Агарда қишлоқ хўжалигининг асосий воситаларини сотиб олишга, қуришга ҳамда уларни капитал таъмирлашга сарфланса, унда бу сарфлар узоқ муддатга мўлжаллангандир. Уларни асосий капиталга сарфланган инвестициялар деб аташади. Шу билан биргаликда инвестициялар қишлоқ хўжалигининг айланма воситаларига ҳам сарфланади. Улар қисқа муддатга сарфланган ҳисобланади. Демак, капитал қўйилмаларнатижасида қишлоқ хўжалигининг ишлаб чиқариш воситалари барпо этилиб, уларнинг ишга яроқлилиги тубдан яхшиланади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш воситаларига сарфланадиган барча маблағлар капитал қўйилмалар деб аталади. Улар қишлоқ хўжалиги (корхоналар)нинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаб, ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаштириш, кимёлаштириш, электрлаштириш, ирригация-мелиорациялаштириш натижасида харажатларни камайтириб, етиштириладиган маҳсулотлар ҳажми кўпайиши ва сифати яхшиланишини, олинадиган даромад (фойда) суммаси оширишни таъминлайди. Бу капитал қўйилмаларларни амалга оширишнинг туб мақсадидир.

Шуларни эътиборга олган ҳолда республикада барқарор инвестицион сиёсат ишлаб чиқилган. У мамлакатда «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги, «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги (1998й) қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида амалга оширилмоқда.

Инвестициялар мақсад ҳамда вазифаларига кўра, қуйидаги турларга бўлинади:

- капитал инвестициялар;
- инновацион инвестициялар;
- ижтимоий инвестициялар.

Асосий фондларни барпо этишга ва такрор ишлаб чиқаришга, шунингдек, моддий ишлаб чиқаришнинг барча шакллари ривожлантиришга сарфланган инвестициялар капитал инвестициялар, деб аталади.

Техника ва технологияларнинг янги авлодини яратиш ва ўзлаштиришга сарфланган инвестициялар инновация инвестициялардир.

Инсон салоҳиятини, малакасини ва ишлаб чиқариш тажрибасини оширишга, шунингдек, номоддий неъматларнинг бошқа шакллари ривожлантиришга сарфланадиган маблағлар ижтимоий инвестициялар, деб аталади.

Улар реал ҳамда молиявий инвестицияларга ҳам бўлинади. Моддийлашган асосий ва айланма воситаларга сарфланган маблағлар реал инвестицияларни ташкил этади.

Қимматли қоғозларни (акция, облигация, вексел, сертификат) шакллантиришга сарфланган маблағлар эса молиявий инвестициялар ҳисобланади. Реал инвестицияларни капитал қўйилмалар, деб ҳам аташ мумкин. Капитал қўйилмалар ялпи ва соф капитал қўйилмаларига бўлинади. Реал инвестицияларнинг умумий суммаси ялпи капитал қўйилмаларини ташкил этади. Реал инвестицияларни сарфлаш натижасида ишга туширилган қисми соф капитал қўйилмалардир. Соф капитал қўйилма ялпи капитал қўйилма суммасига тенг ёки кам бўлиши мумкин. Қишлоқ хўжалиги, жумладан, корхоналар миқёсида ялпи капитал қўйилмани соф капитал қўйилмага айлантиришга алоҳида эътибор берилиши лозим. Сарфланаётган реал инвестициялар моддийлаштирилишини, яъни ишга туширилишини таъминлаш зарур.

Миллий ҳисоблар тизимида асосий капиталга ҳамда моддий ишлаб чиқариш воситларига сарфланган маблағлар реал инвестициялар деб ҳисобга олинади.

Лекин, республика қишлоқ хўжалигида эркин бозор муносабатлари сустръатлар билан ривожлантирилаётганлиги молиявий инвестициялар кўлами кенгайишини талаб даражасида таъминламаяпти. Жумладан, жамоа, фермер

хўжаликларида қимматли қоғозлар (акция, облигация, сертификат, векселлар...) чиқарилиб, сотилаётгани йўқ. Келажакда бу муҳим масалани ҳал этишга алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқдир. Давлатнинг иқтисодий сиёсатида қишлоқ хўжалик корхоналарида ҳам қимматли қоғозлар бозорини ташкил этиш тадбирлари ишлаб чиқиши ва улар амалиётга татбиқ этилиши лозим.

Бозор иқтисоди шароитида инвестицион сиёсатни шакллантиришда қуйидагиларга алоҳида эътибор бериш керак:

- тендер асосида рақобатбардош лойиҳаларни танлашга. Бу қишлоқ хўжалигида инвестицион лойиҳалар бозори барпо этилишини таъминлайди;

- қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган инвестицияларнинг иқтисодий жиҳатдан асосланганлигига. Қишлоқ хўжалиги табиий-иқтисодий омилларининг хусусиятлари реал ҳисобга олинган ҳолда иқтисодий-ижтимоий натижалари аниқланган бўлиши зарур. Чунки, аксарият ҳолларда лойиҳада белгиланган маблағлар кўзда тутилган тадбирларни бажариш учун етмайди, оқибатда кўзланган мақсадга эришилмайди. Бу ҳол инвестицион лойиҳалар узоқ муддатга чўзилишига олиб келади;

- чет эл инвесторларини ва уларнинг инвестицияларини қишлоқ хўжалигига жалб этишга. Бунинг учун қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқарилаётган барча маҳсулотларга бўлган шахсий ва хусусий мулкчиликни ривожлантириш лозим ва бошқалар.

Барча омилларни эътиборга олган ҳолда сарфланадиган инвестициялар қишлоқ хўжалигининг мустаҳкам моддий-техника базасини барпо этади. Қишлоқ хўжалиги замонавий машиналар, тракторлар, комбайнлар, бино-иншоотлар билан таъминланади. Унда боғзор, узумзорлар барпо этилади. Зотли, сермахсул чорва ҳайвонлари яратилади.

Улар янги иш жойлари барпо этилишини таъминлайди, қишлоқ хўжалигида банд бўлган тадбиркорларнинг билимларини, малакаларини юксалтиради, бозор муносабатларини шакллантиради. Уларнинг уйғунлашиши натижасида тармоқда етиштириладиган маҳсулотлар ҳажми кўпайтирилиб, рақобатбардошлиги ошади. Бу, ўз навбатида, аҳолини, қайта ишлаш тармоқларини ва ниҳоят, давлатнинг

талаби қондирилишини таъминлайди, фуқароларнинг турмуш даражасини юксалтиради. Буларнинг ҳаммаси инвестицияларнинг иқтисодий-ижтимоий аҳамияти катта эканлигидан далолат беради.

Капитал қўйилмаларнинг халқ хўжалиги ва қишлоқ хўжалигидаги аҳамияти улкан. Биринчидан, капитал қўйилмалар жами харажатларнинг асосий қисми ҳисобланади. Капитал қўйилмалардаги ўзгаришлар жами талабга етарлича таъсир кўрсатади, шунингдек аҳолининг бандлиги ва ялпи миллий даромад (ЯМД) ҳажмининг ҳам ўзгаришини таъминлайди.

Иккинчидан, капитал қўйилмалар корхонанинг асосий фондлари жамғарилишига, яъни кўпайишига олиб келади. Бунда ишлаб чиқариш кучларини кенгайтиришга сарф қилинган пул маблағлари бошланғич босқичда корхона фаолияти натижаларига таъсир этмаслиги мумкин, лекин келажакда иқтисодий ўсиш учун зарур базани яратади.

Учинчидан, капитал қўйилмаларнинг нораціонал сарф қилиниши ишлаб чиқариш ресурслари, харажатлар ўсишига олиб келади, натижада ЯМД қисқаради. Мисол учун, тугатилмаган қурилишнинг кўпайиши, моддий ресурслар ошиши, тўланадиган иш ҳақининг кўпайиши ҳамда ишлаб чиқаришнинг қисқариши шулар жумласидандир. Худди шундай тарзда норитмик ҳолда етказиб берилган воситалар меъёрдан юқори бўлиб, корхона заҳираларига ҳам таъсир кўрсатади. Улар сарфланаётган капитал қўйилмаларнинг қиймати ўсишига ҳамда самарадорлигига таъсир этади.

Капитал қўйилмаларнинг миқдори, динамикаси ва самарадорлиги қуйидаги омилларга боғлиқ:

- капитал қўйилма амалга оширилаётган лойиҳага;
- мамakatдаги ва корхона фаолиятидаги иқтисодий ўзгаришга;
- давлатнинг солиқ сиёсати ва банкларнинг фоиз ставкасига;
- ташқи савдодаги иқтисодий ҳолатга;
- миллий валютанинг ички ва ташқи курсига;
- мамлакатнинг сиёсий ҳаётидаги барқарорликка.

Капитал қўйилмалар қишлоқ хўжалигининг ҳар томонлама ривожланишини таъминлайди. Чунки улар эвазига тармоқнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланади. Улардан тўлиқ ва самарали фойдаланиш натижасида жонли меҳнат харажатлари қисқариб, маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми кўпайиб, сифати яхшиланади. Бу ҳол қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган талаб янада яхшироқ қондирилишини таъминлайди. Шу билан биргаликда соф фойда суммаси кўпаяди. Натижада қишлоқ хўжалигини кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш асосида ривожлантириш имконияти туғилади. Аҳолининг ижтимоий-иқтисодий аҳволи янада юксалади. Булар инвестициялар, капитал қўйилмаларнинг ижтимоий ҳамда иқтисодий самарадорлиги мавжудлигидан далолат беради.

1.2. Капитал қўйилмаларнинг иқтисодий самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар ва уларни аниқлаш усуллари

Қишлоқ хўжалигига инвестицияларни сарфлашдан мақсад–қўшимча фойда олиш ва фуқароларнинг яшаш шароитини яхшилашдир. Уларнинг даражасини лойиҳалар тузишда ҳамда бу лойиҳаларни амалга оширишда аниқлаш мумкин. Бунинг учун капитал қўйилмаларнинг иқтисодий самарадорлиги аниқланади. Иқтисодий самарадорлик харажатлар билан фойда суммалари таққосланиши натижасида аниқланади. У:

- макроиқтисод, яъни мамлакат миқёсида;
- мезоиқтисод, яъни тармоқлар (қишлоқ хўжалиги) миқёсида;
- микроиқтисод, яъни қишлоқ хўжалик корхоналари доирасида;
- айрим йўналишлар, объектлар бўйича ҳам аниқланади.

Макро ҳамда мезоиқтисод миқёсида инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлиги уларнинг мутлақ (абсолют) иқтисодий самарадорлиги коэффиценти кўрсаткичи ёрдамида ифодаланади. Унинг даражаси сарфланган инвестициялар натижасида ялпи ички маҳсулотнинг ўсган суммасини шу ўсишни таъминлаган инвестиция суммасига нисбати билан аниқланади. Бунда қуйидаги формуладан фойдаланиш мумкин:

$$Ис(Кс) = \frac{ЯИМу}{\sum Ис(Кк)} = \frac{ЯДу}{\sum Ис(Кк)}$$

Бунда: Ис(Кс) – капитал қўйилмаларнинг мутлақ (абсолют) иқтисодий самарадорлик коэффиценти;

ЯИМ – макро, мезоиктисод(тармоқ) миқёсида маълум бир давр ичида ялпи ички маҳсулотнинг ўсган суммаси, сўмда. Бунда қишлоқ хўжалигида ялпи даромаднинг ўсган суммаси ҳам олинishi мумкин;

$\Sigma Ис(Кк)$ – инвестиция ёки сарфланган капитал қўйилма суммаси. Бу кўрсаткич сарфланган 1 сўмлик инвестицион маблағ эвазига неча сўмлик ёки тийинлик ялпи ички маҳсулот ёхуд ялпи даромад олинганлигини ифодалайди. Унинг мутлақ (абсолют) миқдори имкони борица юқори бўлгани яхши. Шунда инвестицияларнинг мутлақ иқтисодий самарадорлик даражаси юқори бўлади. Кам бўлса, у иқтисодий самарадорлик даражаси паст бўлганлигидан далолат беради. Бундай ҳолда инвестицияларни сарфлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланмайди.

Инвестициялар – аксарият ҳолларда узок муддатга мўлжалланган харажатлардир. Шунинг учун уларнинг бир неча йиллар давомидаги иқтисодий самарадорлигини аниқашда қиёсий баҳолардан фойдаланиш лозим. Бунда инфляция даражаси ҳисобга олинади.

Шундай ҳолларда капитал қўйилмаларнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлашда қуйидаги усуллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир:

- лойиҳанинг ўзини-ўзи қоплаш усулини аниқлаш;
- компаундинг (мураккаб фоизлар) усули;
- дисконтлаш усули.

Ўзини-ўзи қоплаш муддати – амалга оширилаётган лойиҳанинг фойдаси ҳисобидан дастлабки инвестиция миқдорини қоплаш даври. Уни ҳисоблашда соф фойда молиявий харажатлар, фоизлар ва амортизация ажратмалари эътиборга олинади.

Компаундинг усулининг моҳияти шундан иборатки, бунда дастлабки сумма ҳар йилги даромад фоизи ҳисобига ошиб боради. Бунда қуйидаги формулага амал қилинади:

$$\dot{Y}_K = BK(1+i)^n$$

Бу ерда: $\dot{Y}_K$ - дастлабки инвестиция суммасининг ўсган қиймати, сўмда;

BK - дастлабки инвестициянинг бошланғич қиймати, сўмда;

i – фоиз ставкасининг ўзгаришини кўрсатувчи бирлик;

n – давр, яъни муддат, йилда.

Инвестициянинг ўсган қиймати фоиз ставкаси билан давр муддатига боғлиқ. Фоиз ставкаси инвесторнинг муқобил қарорини ҳисобга олади, яъни пулни бирон лойиҳага қўйган самаралими ёки депозитга қўйган афзалми?

Дисконтлаш – ҳисоблаш принципи компаундингга нисбатан тескари. Яъни дисконтлаш – келажакда бўлиши мумкин бўлган даромадни жорий баҳоларда ҳисоблаш. Мазкур ҳисобнинг амалий мазмуни шундан иборатки, бунда тушумларнинг минимал даражаси аниқланадики, у шу даромаддан кам бўлган ҳолатда инвестиция қилиш мақсадга мувофиқ эмас.

Дисконтлашган қиймат фоиз ставкаларига боғлиқ.

Йиллик даромад бир хил бўлганда дисконтлашган қиймат (D_k) қуйидаги формула ёрдамида аниқланиши мумкин:

$$D_k = \frac{K}{(1 + \Phi)^x}$$

Бунда: D_k – дисконтланган қиймат, сўмда;

K – банкларнинг фоиз ставкалари асосида олиниши мумкин бўлган қиймат, сўм;

x – йиллик даромад олиниши мумкин бўлган йиллар сони, йил;

Φ – банкларнинг фоиз ставкалари, фоиз;

Банкнинг йиллик фоиз ставкаси 5 фоиз, хўжалик икки йилдан сўнг 10 млн. сўмлик даромад олишни мўлжалланган бўлса, унда дисконтланган қиймат 9,07 млн. сўмга тенг бўлади.

сўм

Дисконтлаш натижасида қандай давр бўлишидан қатъи назар даромадларнинг реал қиймати аниқланади.

Корхона миқёсида сарфланиши лозим бўлган ёки сарфланган капитал қўйилма мутлақ (абсолют) капитал қўйилмаларни сарфлаш натижасида олинаётган соф фойданинг ўсган суммасини шу ўсишни таъминлаган капитал қўйилма суммасига тақсимлаш билан ҳисобланади. Унда қуйидаги формуладан фойдаланиш мумкин:

$$Ис(Кк) = \frac{Сф}{Ис(Кк)}$$

Бунда: Сф – капитал қўйилмани амалга ошириш натижасида олинган соф фойда ёки соф фойданинг ўсган суммаси, сўмда.

Бу кўрсаткич ёрдамида сарфланган бир сўмлик капитал қўйилмақанча сўмлик фойда келтирилганлиги аниқланади. Шунинг учун бу кўрсаткичнинг мутлақ (абсолют) миқдори юқори бўлгани мақсадга мувофиқдир.

Ҳозирги даврда айрим меъёрий ҳужжатларда капитал қўйилмалармутлақ (абсолют) иқтисодий самарадорлик даражаси коэффицентининг меъёрий миқдори (Ем)-0,07 даражасида белгиланган.

Қишлоқ хўжалигида сарфланган капитал қўйилмалар доимо ҳам фойда суммаси ошишини таъминламайди, балки ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш ёки маҳсулот етиштириш учун қилинган ўртача харажатлар (маҳсулот таннархи) камайишига ҳам олиб келади. Шундай ҳолларда уларнинг иқтисодий самарадорлик даражаси тежалган маблағ қийматини сарфланган капитал қўйилма суммасига тақсимлаб ҳам аниқланади. У қуйидаги тенглик ёрдамида аниқланиши мумкин:

Бунда: T_1 –капитал қўйилма сарфланганидан олдинги таннарх суммаси, сўмда;

T_2 – капитал қўйилмасарфланганидан сўнгги таннарх суммаси, сўмда.

Бу кўрсаткичнинг ҳам мутлақ (абсолют) даражаси юқори бўлиши мақсадга мувофиқдир.

II-боб. Фермер хўжаликларида сарфланаётган капитал қўйилмаларнинг манбалари, уларнинг сарфланиш йўналишлари ҳолатининг таҳлили

2.1. Фермер хўжаликларида капитал қўйилмалар даражаси ва динамикасининг таҳлили

Ички ва ташқи бозорнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талабини қондириш энг долзарб муаммодир. Уни ҳал этиш учун капитал қўйилмаларни сарфлаш зарур. Бунинг учун эса сиёсий, минтақавий, иқтисодий ҳамда ижтимоий барқарорликни таъминлаш даркор. Республикада бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш даврида юқорида таъкидланган шароитлар яратилмоқда.

Республикада сиёсий-иқтисодий барқарорлик қишлоқ хўжалигига инвестициялар жалб этилишига имконият бермоқда. Унинг ривожланишини таъминлаш мақсадида инвестицион сиёсатнинг ҳуқуқий асослари ҳам барпо этилган. Уларнинг мавжудлиги сўнгги йилларда тармоққа маълум миқдорда капитал қўйилмалар сарфланишини таъминламоқда. 2012 йилда Ўзбекистон Республикасида реал ЯИМ ишлаб чиқариш ҳажмининг олдинги йилга нисбатан ўсиши 108,2 фоизни ташкил этиши, яъни барқарор юқори даражада сақланиб қолиши прогноз қилинмоқда. Иқтисодий ўсишнинг бундай юқори суръати таъминланишида саноат ишлаб чиқаришининг 108,6 фоизга, яъни 2011 йилда эришилганига нисбатан 2,3 фоизга ўсиши, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг эса 105,8 фоизга кўпайиши муҳим аҳамиятга эга.³

2012 йилда саноат ишлаб чиқаришининг юқори суръатда ўсиши саноат маҳсулоти ҳажмининг 25,2 миллиард АҚШ долларига тенг бўлган миқдорга етиши, яъни 2004 йилга нисбатан қарийиб 3,2 марта ошишига олиб келади.

2.1.1-жадвал

Ўзбекистон Республикасини 2012 йилда ривожлантиришнинг кўрсаткичлари (олдинги йилга нисбатан фоизда)⁴

³Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2012 йилга асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-1675-сонли қарори.

⁴Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

Кўрсаткичлар	2011 й.	2012 й.
Реал ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)	108,3	108,2
Саноат маҳсулоти ҳажми	106,3	108,6
Қишлоқ хўжалик маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми	106,6	105,8
Капитал қўйилмалар ҳажми	107,9	109,3
Чакана савдо айланмаси ҳажми	116,4	113,4
Истеъмол нархлари индекси (2011 йилнинг декабрига нисбатан фоизда)	107,6	107,9
Давлат бюджети камомади (ЯИМга нисбатан фоизда)	+0,2	-1,0
Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси (йиллик фоиз)	12	12

Сўнгги йилларда республика иқтисодиётига йўналтирилган инвестицияларнинг 5-8 фоизи қишлоқ хўжалигига сарфланган. Бу талабга нисбатан кам. Шунинг учун келажакда бу инвестицион сиёсатни қишлоқ хўжалиги фойдасига ўзгартириш мақсадга мувофиқдир.

Чунки тармоқ республика ялпи ички маҳсулотининг ўртача 30 фоизини бермоқда. Худди шундай ҳол хорижий инвестицияларни жалб этиш жараёнида ҳам юз бермоқда. Жами чет эл инвестициясининг 7-10 фоизигина қишлоқ хўжалигига сарфланмоқда. Бу борада ўзгариш қилинмаса, қишлоқ хўжалигининг мустақкам моддий-техника базасини яратиш бироз узоқ муддатга чўзилиши мумкин.

Қишлоқ хўжалигига давлат бюджетидан ажратиладиган инвестицияларнинг миқдори йилдан-йилга камайиб бормоқда.

Капитал қўйилмаларни амалга ошириш учун маблағларни асосан хўжаликларнинг ўзлари сарфламоқдалар. Уларнинг маблағлари ҳисобидан қишлоқ хўжалигига сарфланаётган инвестицияларнинг 35-40 фоизга яқини шакллантирилмоқда. Бу бозор иқтисодиёти талабига мосдир. Хўжаликлар инвестицияларни амалга ошириш учун банк кредитларини ҳам кенг миқёсда жалб этмоқда. Уларнинг ҳиссаси 1999-2000 йилларда кескин ошган. Лекин бу ҳисса

уларга бўлган талабга нисбатан кам, ҳозирги даврда қишлоқ хўжалигининг асосий воситаларни барпо этиш учун талаби ошиб бормоқда. Бироқ акциядорлик-тижорат банклари қишлоқ хўжалиги асосий капиталига бераётган узоқ муддатли кредитларнинг умумий миқдори жуда кам. Бундай ҳол қуйидаги сабаблар натижасида шаклланмоқда:

- қишлоқ хўжалик корхоналари банклардан узоқ муддатли кредитларни олишда гаровга қўядиган ресурсларининг камлиги: ҳозирги даврда уларда мавжуд бўлган асосий воситаларнинг аксарият қисми жисмоний ва маънавий эскирган. Улар банкларнинг талабларига тўғри келмайди. Шунинг учун ҳам уларни гаровга олишмайди;

- қишлоқ хўжалик корхоналари фаолиятининг иқтисодий самарадорлик даражаси пастлиги, яъни аксарият корхоналар рентабеллик даражасининг 5-8 фоиз атрофидалиги. Шунинг учун ҳам хўжаликларнинг кредиторлик қарзлари ортиб бормоқда. Бундай ҳолда кредит институтларининг бераётган маблағларини вақтида қайтариб олишга бўлган ишончи оқланмайди;

- қишлоқ хўжалигининг устувор даражада ривожланишига давлат қўмаги, яъни молиялаштириш, кредитлаштириш дастурлари талабни тўлиқ қондирадиган даражасида эмаслиги;

- қишлоқ хўжалик корхоналари сотаётган маҳсулотлари учун истеъмолчилардан маблағларни белгиланган муддатларда ололмаётганлиги. Шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалик корхоналарининг дебиторлик қарзлари сўнгги йилларда ортиб бормоқда.

Таъкидланган масалалар ижобий ҳал этилиши натижасида қишлоқ хўжалигига банк кредитлари оқимининг қўпайиши таъминланиши мумкин.

Давлат бюджетидан қишлоқ хўжалигини инвестициялашга сарфланаётган маблағ миқдори йил сайин камайиб бормоқда. Бу объектив жараён. Бозор иқтисодиёти шароитида давлат аҳамиятига молик бўлган йўналишларни ривожлантиришгина давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар эвазига таъминланиши зарур.

Республика қишлоқ хўжалигига сарфлаётган капитал қўйилмалар ҳисобидан

машиналар, тракторлар, комбайнлар, чорва ҳайвонлари ва бошқа ишлаб чиқариш воситалари сотиб олинмоқда, мавжудлари таъмирланмоқда, ирригация-мелиорация ишлари ривожлантирилиб, янги ерлар ўзлаштирилмоқда, фойдаланилаётганларининг эса ҳолати яхшиланмоқда.

Бу ҳолат ҳозирги талабни тўлиқ қондиrolмайди. Чунки, республикадаги жами суғориладиган ерларнинг 50 фоизга яқини у ёки бу даражада шўрланган. Келажакда ерларнинг сифат ҳолатини яхшилаш учун капитал қўйилмалар қўламини кенгайтириш мақсадга мувофиқдир. Сарфланадиган капитал қўйилмалар натижасида ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланиб, сув билан таъминланганлик даражаси юксалмоқда, ишлаб чиқариш механизациялаштирилиши, кимёлаштирилиши туфайли экинлар ҳосилдорлиги ошмоқда.

Ўзбекистонда асосий турдаги қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигининг ўзгариш динамикаси 2.1.2-расмда келтирилган.

Расмдан кўриниб турибдики, ўтган 20 йилдан ортиқроқ давр мобайнида асосий турдаги экинларнинг ҳосилдорлиги муттасил ўсиб бориш суръатига эга бўлган.

Хусусан, 2013 йилда 1990 йилга нисбатан пахта ҳосилдорлиги гектарига 22,6 центнердан 26,4 центнерга ёки 113,3 фоизга, донли экинлар ҳосилдорлиги 20,2 центнердан 44,6 центнерга ёки 220,8фоизга, картошка ҳосилдорлиги 80центнердан 201,4 центнерга ёки 251,8фоизга, сабзавотҳосилдорлиги 192,0 центнердан 268,4 центнерга ёки 139.8 фоиз га ва полиз ҳосилдорлиги 115 центнердан 199,9 центнерга ёки 173,8фоизга ошган.

Манба: Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги

2.1.1-расм. Ўзбекистонда асосий турдаги қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигининг ўзгариш динамикаси, центнер ҳисобидан.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг маълумотларига қараганда, 1990 йилда республикаимиз аҳолиси истеъмоли учун зарур бўлган ғалланинг 82 фоизи, гўшт маҳсулотларининг 50 фоизи, сут ва сут

маҳсулотларининг 60 фоизга яқини, картошканинг 50 фоизи, шакар ва курук сутнинг барчаси четдан келтирилган бўлса, ҳозирда мамлакатимизда озиқ-овқат масулотлари етиштиришнинг барқарорлиги ҳисобидан аҳолининг асосий истеъмол маъсулотларига бўлган эҳтиёжи деярли юз фоиз ўз ишлаб чиқаришимиз ҳисобидан таъминланмоқда. Жумладан, агар 1991 йилда аҳоли жон бошига нисбатан 24,0 кг мева, 24,0 кг узум, 138,6 кг сабзавот, 15,1 кг картошка ва 39,0 кг полиз маҳсулотлари етиштирилган бўлса, 2013 йилга келиб аҳоли жон бошига 60,1 кг мева, 35,1 кг узум, 225 кг сабзавот, 60,5 кг картошка ва 42,0 кг полиз маҳсулотлари етиштирилди.

2.1.2 -жадвал маълумотларининг таҳлилига кўра суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағлари доирасида тасдиқланган Давлат дастури бўйича 2012 йилгача, беш йил давомида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ишларига жами 747 миллиард сўм маблағ йўналтирилди. Реконструкция қилиш ва қуриш ишларига 306,0 миллиард сўм маблағ йўналтирилди. Жами 5 йил давомида 3510 км узунликдаги коллектор-дренаж тармоқлари, 46 дона мелиоратив насос станциялари, 797 дона вертикал дренаж ҳамда кузатув қудуқларини реконструкция қилиш ва қуриш ишлари бажарилди. Шунингдек, жами узунлиги 66,7 минг км бўлган коллектор-дренаж тармоқлари, 5407 дона вертикал дренаж қудуқлари, 164 дона мелиоратив насос станцияларида таъмирланди ва тикланди. Таъмирлаш ва тиклаш ишларига 313,5 миллиард сўм маблағ йўналтирилди.

2.1.2-жадвал

Фермер хўжаликлари бўйича мелиоратив тадбирларларга ажратилган капитал қўйилмалар.

(миллиард сўм)

Т\р	Тадбирлар номи	Жами 2008-2012 йй. амалда	шу жумладан				
			2008й.	2019й.	2010й.	2011 й.	2012 й.

1	Реконструкция қилиш ва қуриш ишларига	306,0	22,4	54,5	63,8	81,7	83,6
2	Таъмирлаш ва тиклаш ишларига	313,5	38,6	48,1	59,2	77,0	90,6
3	Лизинг асосида мелиоратив техникалар етказиб бериш	127,6	29,3	25,4	27,2	20,0	25,7
4	Жами:	747,1	90,3	128,0	150,2	178,7	199,9

Манба: Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари

2013 йилда, “Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш” Давлат дастури бўйича жами 227,5 млрд сўмлик бюджет маблағлари ўзлаштирилиши назарда тутилган. Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағи ҳисобидан узунлиги 499,1 километрлик коллектор, 25,4 километр ёпиқ горизонтал дренаж тармоғи, 21 мелиорация қудуғи ва насос станциясини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари якунланди. 7012,1 километрлик хўжаликлараро ва хўжалик ичидаги коллектор-дренаж тармоғи, 125,8 километрлик ёпиқ горизонтал дренаж тармоғи ва 2231 мелиорация қудуғида таъмирлаш қайта тиклаш ишлари амалга оширилди.

2013 йилда 264 минг гектардан зиёд суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланди (2012 йилда 260,0 минг гектар). Бу шунча миқдордаги ерларда тупроқ унумдорлиги, экин ҳосилдорлиги ортади демакдир.(2.1.3-жадвал).

Вилоятларда сув ресурсларидан фойдаланишда йўл қўйилган камчиликлар, яъни, ирригация тизимларидан сув олиш қоидаларини бузилиши, сувдан хўжасизларча фойдаланиш, сув хўжалиги объектларидан олинadиган сув миқдори ҳисобини юритиш қоидаларига амал қилмаслик каби ҳолатлар аниқланиб, уларга нисбатан қонун доирасида белгиланган чоралар кўрилган. Жумладан, мавсум давомида сув ва сувдан фойдаланиш борасидаги қонун-қоидаларни бузган айбдор шахсларга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекси асосида 680 та (954) ҳолат юзасидан тузилган баённомалар асосида 54,6 млн. сўм (69,5) миқдорида жарима расмийлаштирилиб, тўлиқ

ундириб олинган.

2.1.3 -жадвал

2012-2013 йилларда, “Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш“ Давлат дастури бўйича амалга оширилган ишлар

Т\р	Кўрсаткичлар	2012 йил	2013 йил
1	Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланди(минг гектар)	260	264
2	Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағи ҳисобидан :		а) узунлиги 499,1 километрлик коллектор б) 25,4 километр ёпиқ горизонтал дренаж тармоғи в) 21 мелиорация қудуғи ва насос станциясини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари якунланди
3	Хўжаликлараро ва хўжалик ичидаги коллектор-дренаж тармоғи		7012,1 километрлик
4	Ёпиқ горизонтал дренаж тармоғи		125,8 километр
5	Мелиорация қудуғида таъмирлаш, қайта тиклаш ишлари якунланди.		2231та

Манба: Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари асосида талаба томонидан таёрланди

Энг асосийси маблағларни мақсадли йўналтирилиши асосида 20-30 йилдан бери фақат режалаштирилаётган, аммо амалга ошириш ёки тугаллашнинг иложи бўлмаётган бир қатор йирик мелиоратив объектлар қурилиши тугалланиб, ишга туширилди. Тошкент вилоятидаги Уртукли коллектори, Бухоро вилоятидаги

Қумсултон пастлигидан Денгизкўл ташламасигача бўлган магистрал коллектор ҳамда Каттакўл-Гўжайли магистрал коллекторларининг қурилиш ишлари амалга оширилди. Республика миқёсида кучли ва ўртача шўрланган майдонлар 71 минг гектарга, ер ости сизот сувлари сатҳи 2,0 метргача бўлган майдонлар 519 минг гектарга камайишига эришилди. Лизинг асосида мелиоратив техникалар етказиб беришга 127,6 миллиард сўм маблағ йўналтирилди. Ўтказилган таҳлиллар, мелиорация тадбирлари амалга оширилган ҳудудларда пахта ва ғалла экинларидан олинадиган ўртача ҳосилдорлик 2-3 центнергача кўпайганини кўрсатди. Булардан ташқари, ушбу амалга оширилаётган мелиоратив тадбирлар натижасида аҳолининг 100,0 минг гектардан ортиқ томорқа ерларининг мелиоратив ҳолати яхшиланди. Натижада пахтадан олинадиган ҳосилдорлик 30,8 ц/га дан 33,2 ц/га ёки 2,4 ц/га, ғалладан эса 53,5 ц/га дан 59,7 ц/га ёки 6,2 ц/га ошган. Бундай ижобий ўзгаришлар республиканинг барча ҳудудларида кузатилмоқда.

Ҳукуматимиз томонидан, сув ресурсларидан фойдаланишни самарадорлигини ошириш борасида соҳага чет эл инвестицияларини киритиш бўйича ҳам чоралар кўрилмоқда. Жумладан, қишлоқ хўжалигида сувдан фойдаланиш самарадорлигини оширишга қаратилган умумий қиймати 1 млрд. АКШ долларидан ортиқ булган 20 дан ортиқ йирик инвестицион лойиҳалар амалга оширилмоқда. Ушбу лойиҳалар республикамизнинг барча ҳудудларини қамраб олиб, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, сув хўжалиги иншоотларини хавфсизлигини таъминлаш ва уларни модернизация қилишга қаратилган. Жумладан:

Қорақалпоғистон Республикасида умумий қиймати 74,5 млн.долл. бўлган “Ўзбекистон Республикаси дренаж лойиҳаси”;

Сурхондарё вилоятида қиймати 112,6 миллион доллар бўлган “Аму-Занг машина каналини қайта тиклаш лойиҳаси”;

Навоий, Бухоро ва Қашқадарё вилоятларида:

- қиймати 18,5 миллион доллар бўлган “Қуйи-Мозор” насос станциясини қайта тиклаш лойиҳаси”;
- қиймати 76,2 миллион доллар бўлган “Бухоро, Навоий ва Қашқадарё вилоятлари

ерларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш лойихаси”;

•қиймати 17,0 миллион доллар бўлган “Олот насос станциясини қайта тиклаш лойихаси” амалга оширилмоқда.

2.2. Фермер хўжалигида сарфланаётган капитал қўйилмаларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш

Фермер хўжалигида сарфланаётган капитал қўйилмаларнинг иқтисодий самарадорлигини таҳлил қилишда тадқиқот объекти сифатида Тошкент вилояти Ўртачирчиқ туманидаги “Абдулла Мухтабар” фермер хўжалигининг фаолиятини ўргандик. Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 26 августдаги 692-II-сонли “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонунига асосан “Абдулла Мухтабар” фермер хўжалиги ўзига 50 йил муддатга ижарага берилган ер ресурсларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи, мустақил хўжалик юритувчи субъектдир.

Ер участкалари берилганда фермер хўжалиги ўз зиммасига қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги (уч йил учун ўртача йиллик ҳосил ҳисобида) ернинг кадастр баҳосидан кам бўлмаслигини таъминлаш мажбуриятини олган. Бу мажбурият ер участкасини ижарага олиш шартномасида мустаҳкамлаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонунининг 4-бандига кўра фермер хўжалигининг бошлиғи шу хўжаликнинг муассиси - фермердир. Бошқа юридик ва жисмоний шахслар билан муносабатларда фермер хўжалиги номидан ана шу хўжалик бошлиғи иш кўради.

Фермер хўжалигига берилган ер участкасидан фойдаланганлик учун ҳақ маҳаллий бюджетга тўланадиган ҳар йилги ижара ҳақи тариқасида ер участкасининг сифатига, жойлашган ери ва сув билан таъминланганлик даражасига қараб, ернинг кадастр баҳосини инобатга олган ҳолда белгиланадиган ягона ер солиғи ставкаси миқдорида ундирилади.

Хўжаликнинг Низомига биноан “Абдулла Мухтабар” фермер хўжалиги қишлоқ хўжалиги тармоғининг деҳқончилик соҳаси бўйича фаолият олиб боради. Хўжалик шартномага асосан асосий маҳсулот сифатида пахта ва ғалла

етиштилади. Хўжаликнинг мақсади республикамиз аҳолисини озиқ-овқат, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талабини қондириш, қолаверса фойда билан ишлашдир.

“Абдулла Мухтабар”фермер хўжалиги ихтиёридажами ер майдони 2011йилда 93,4 гектар, 2012- 2013 йилларда 104,9 гектар . Шундан асосий экин майдонлари 2011 йилда 41 гектарга ғалла, 53,3 гектарга пахта, 2012-2013 йилларда 39,7 гектарга ғалла, 65,2 гектарга пахта экилган.

“Абдулла Мухтабар”фермер хўжалигининг жами ер майдони 2012- 2013 йилларда 2011 йилга нисбатан 10,6 гектарга, яъни 11,2 фоизга ортган. Таҳлил натижалари 2.1.1-жадвалда келтирилган.

2.1.1-жадвал

**“Абдулла Мухтабар”фермер хўжалигининг
ердан фойдаланиш даражаси⁵**

Т/Р	Кўрсаткичлар	2011 йил (га)	2012 йил (га)	2013 йил (га)	2013йилда 2011йилга нисб.ўзгариши	
					Га	%
1	Жами ер майдони	94,3	104,9	104,9	10,6	111
	Шундан: а)ғалла	41	39,7	39,7	-1,3	97
	б)пахта	53,3	65,2	65,2	11,9	122

⁵“Абдулла Мухтабар”фермер хўжалигининг маълумотлари асосида таёрланди.

Манба: “Абдулла Мухтабар” фермер хўжалигининг маълумотлари асосида таёрланди.

Фермер хўжалигида қишлоқ хўжалиги ерларидан самарали фойдаланиш натижасида ҳосилдорлик республикадаги пахта ва ғалланинг ўртача ҳосилдорлигидан юқори эканлигини кузатдик, ҳамда пахта ва ғалланинг ҳосилдорлиги йилдан йилга кўтарилаётганининг гувоҳи бўлдик. 2.1.2-жадвалда таҳлил этилган “Абдулла Мухтабар” фермер хўжалигининг ердан фойдаланиш самарадорлиги натижаларига кўра фермер хўжалигида ғалла ҳосилдорлиги 2011 йилда 41 ц/га, 2011 йилда 43 ц/га, 2013 йилда 45 ц/га бўлган, ғалла ҳосилдорлиги 2013 йилда 2011 йилга нисбатан 4 центнерга, 9 фоизга ошган, пахта ҳосилдорлиги 2011 йилда 23 ц/га, 2012 йилда 25 ц/га, 2013 йилда 26 ц/га бўлган, пахта ҳосилдорлиги 2013 йилда 2011 йилга нисбатан 3 центнерга, 13 фоизга ошган. Инвестициянинг иқтисодий самарадорлигини аниқ кўрсатиш мақсадида тегишли маълумотларни келтирмоқдамиз.

Узоқ муддатли кредит шаклида сарфланган капитал қўйилманинг фермер хўжалигидаги иқтисодий самарадорлик коэффиценти 2012 йилда 0,607; 2013 йилда эса 0,682 га тенг бўлган. Хўжаликда 24 млн.сўмлик узоқ муддатли банк кредитини сарфлаш натижасида.

“Абдулла Мухтабар” фермер хўжалигининг ишлаб чиқариш натижаларининг таҳлиliga кўра рентабеллик даражаси 2011 йилда 25 фоиз, 2012 йилда 26 фоиз, 2013 йилда 27 фоизга тенг бўлган. Рентабеллик даражаси 2013 йилда 2011 йилга нисбатан 2 фоизга ошган. Шу тариқа олинган кредит 1,65 йил давомида қайтарилган. Бу маълумотлар сарфланган капитал қўйилмаларнинг иқтисодий жиҳатдан самарали эканлигидан далолат беради.

Фермер хўжалигини илғорлар қаторида туришига сабаб хўжаликда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш учун дастлаб барча техника воситалари ижарага олиб ишлатилган бўлса, ҳозирги кунда лизинг асосида сотиб олинган 2 та ТТЗ-100, 1 та МТЗ-80, 1 та К-701 хайдов тракторлари мавжуд. Уларга масъуллар бириктирилиб, йилда 2 маротаба техник кўрикдан ўтазилади. Шунинг билан биргаликда тиркама, чигит экиш мосламаси, ғалла экиш мосламаси (сеялкаси),

мола, борана, ўқ ариқ олиш, ер текислаш ва бошқа барча ишлов бериш мосламаларига эга.

2.1.2-жадвал

**“Абдулла Мухтабар” фермер хўжалиги деҳқончилигига сарфланган узоқ
муддатли кредитнинг иқтисодий самарадорлиги⁶**

ТҲР	Кўрсаткичлар	2011 йил	2012 йил	2013 йил	2013йилда 2011йилга нисб.ўзг. %да
	Олинган кредит суммаси	млн.сўм	24	24	
1	Кредит эвазига амалга оширилган ирригация ва мелиорация тадбирлари ҳисобига: Ҳосилдорлик(ц/га)				
	Шундан: а)ғалла	41	43	45	109
	б)пахта	23	25	26	113
2	Ялпи ҳосил (тонна)				
	Шундан: а)ғалла	168	170	178	106
	б)пахта	122	163	169	138
3	Ялпи маҳсулот қиймати (минг сўм)	106574	12454 8	138342	129
4	Сотилган маҳсулот қиймати (минг сўм)	102341	12300 0	137122	133
5	Жами харажат (минг сўм)	81543	97235	107479	132

⁶“Абдулла Мухтабар” фермер хўжалигининг маълумотлари асосида таёрланди.

6	Фойда (минг сўм)	20798	25765	29643	142
1	1 Сарфланган кредитнинг иқтисодий самарадорлик коэффиценти		0,607	0,682	
2	1 Сарфланган кредит маблағининг қоплаш муддати	йил	1,65	1,47	
7	Рентабеллик даражаси (%)	25	26	27	2

Шу билан бирга фермер ўз соҳасини кенгайтиришни режалаштириб, ўз маблағи ҳисобидан чорва, парранда боқиладиган ихтисослаштирилган молхона ва товукхона барпо этди, ишчи ҳолатга келтирилди. Шу билан бирга интенсив боғ барпо этиш истагида. Чорва, паррандалар, хўжалик томорқасида етиштирилаётган ем ҳашаклар билан озиқлантирилади. Томорқада етиштирилган маҳсулотларни фермер хўжалиги ишчи ходимлари иссиқ овқатлари ва эҳтиёжлари учун берилади. Эҳтиёждан ортган қисмини аҳолига сотилмоқда. Фермер хўжалиги капитал қўйилмаларини сарфлашни самарали ташкил этмоқда. Бунинг натижасида фермер хўжалигида қўшимча даромадлар олинмоқда.

“Абдулла Мухтабар” фермер хўжалиги фаолиятидаги иқтисодий муносабатларни тартибга солишда куйидаги муаммоларини ҳал этишга ҳаракат қилинган:

- биринчидан, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳажмини орттирган ҳолда майдон бирлигига тўғри келадиган харажатларни камайтириш;
- иккинчидан, экин майдонларидан қишлоқ хўжалиги мақсадларида фойдаланиш;
- учинчидан, ернинг мулк салоҳиятини муҳофаза қилиш ва капитал қўйилмалар ҳисобига ирригация ва мелиорация тадбирларини вақтида ўтказиш ҳисобига, унинг ҳосилдорлигини ошириш;
- капитал қўйилмаларни сарфлашни тўғри ташкил этишдир.

Қишлоқ хўжалигига талабни қондирадиган даражада капитал қўйилмалар сарфланишини келажакда ишончли таъминлаш учун инвестицияларни амалга

оширувчи юридик ҳамда жисмоний шахслар кўламини кенгайтириш талаб этилади. Бундай шахслар республика ёки чет давлатлардан бўлиши мумкин. Бунда, ҳозирги даврда қишлоқ хўжалигидаги инвестицион жараёни шакллантиришда суи қатнашаётган инвесторларни интенсивроқ жалб этишга алоҳида эътибор бериш лозим.

III-боб. Капитал қўйилмалар кўламини кенгайтириш ва самарадорлигини ошириш йўллари

3.1. Фермер хўжалигида сарфланаётган капитал қўйилмаларнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш йўллари

Қишлоқ хўжалигининг барқарор ривожланиши тармоқда мавжуд бўлган ишлаб чиқариш воситалари оқилона тарзда такрор ишлаб чиқарилишини талаб этади. Бу жараён ишлаб чиқариш воситаларини сотиб олиш, қайта таъмирлаш, қуриш, инновацион ҳамда ижтимоий муносабатлар йиғиндисидан ташкил топади.

Барча капитал қўйилмалар қуйидаги йирик иккита манбадан шакллантирилиб, амалга оширилади:

- корхонанинг ўз маблағларидан;
- четдан жалб қилинган маблағлардан.

Корхонанинг ўз маблағларига қуйидагилар киради:

- корхонанинг соф фойдасидан ажратилаётган маблағлар;
- амортизация фондидаги маблағлар;
- асосий воситаларни тугатишдан, сотишдан келиб тушган маблағлар;
- уларни ижарага беришдан тушган маблағлар;
- қишлоқ хўжалик корхоналари қимматли қоғозлар чиқариб сотиш, бошқаларникини сотиб олиш натижасида олинаётган дивидентлардан ажратилаётган маблағлар.

Юқори рентабелли фермер хўжаликлари ишлаб чиқариш воситаларини янгилаш мақсадида капитал қўйилмаларни амалга оширишда кўпроқ имкониятга

эга бўлади.

Юқоридагилардан ташқари, фермер хўжалиги учун капитал қўйилмалар манбаи чорва ҳайвонларини сотишдан тушган маблағлар, Устав фондини кўпайтириш учун қилинган ажратмалар ҳам ҳисобланади.

Четдан жалб қилинган маблағлар эса:

- қишлоқ хўжалиги учун давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар;
- ҳамкорлардан олинадиган маблағлар;
- турли хил қарзлар, шу жумладан, тижорат банкларидан олинадиган кредитлар;
- хўжалик аъзоларининг бўш ётган маблағларини жалб этиш;
- хорижий, давлат корхоналари ҳамда шахсий корхоналар ва фуқароларнинг маблағлари;
- хайрия фондларидан, ҳомийлар ажратаётган маблағлари ва бошқалар.

Четдан жалб қилинган маблағлар орасида банк кредитлари алоҳида ўрин тутди. Улар ишлаб чиқариш фаолияти натижаларидан қатъи назар, алоҳида корхоналар эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда капитал қўйилмаларни амалга оширишга имкон беради. Банк кредитлари корхона ўз маблағларининг капитал қўйилма учун керакли миқдорини йиғмасдан туриб инвестиция жараёнини тезлаштиради. Кредитлар капитал қўйилма манбаи сифатида нафақат капитал қурилишда, балки янги техникани жорий қилишда ҳам ишлатилади. Капитал қўйилмаларнинг асосий вазифаси – тармоқ маҳсулотини кўпайтириш ва ишлаб чиқариш самарадорлигининг ўсиш суръатлари тезлаштирилишини таъминлашдир.

Капитал – корхона молиявий натижаларининг бир қисми бўлиб, айланма фондларга қўйилиб, даромад келтиради. Капиталнинг айланма фондларга қўйилиши тўғри портфелли инвестициялар орқали амалга оширилади.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, инвестиция қилишда корхона ўз маблағларидан имкони борица фойдаланиши иккита устунликка олиб келади: корхонада ташқи тўловлар мавжуд бўлмайди (олинган кредитлар бўйича фоиз,

акциялар бўйича дивидентлар, ижара ҳақи ва ҳоказо), шунингдек, корхонани бошқаришда мустаҳкам позицияни шакллантиради.

Айни пайтда хўжаликларга четдан жалб қилинадиган маблағларнинг манбаларидан бири хўжалик аъзоларининг вақтинча бўш ётган маблағларини жалб этиш ҳисобланади. Бундай инвестицияни амалга ошириш учун корхона ўз ичида қисқа муддатли облигацияларни, векселларни чиқариб, уларни аъзоларига ишончли тарзда тарқатиши (сотиши) ёки ҳуқуқий кучга эга бўлган ишончли далолатномаларни ҳам бериши мумкин. Хўжалик аъзолари эса муомалага берилган маблағларини маълум муддат ўтгандан сўнг белгиланган фоизи билан қайтариб олиш имкониятига эга бўладилар. Бу турдаги капитал қўйиш қишлоқ хўжалиги корхоналари учун ҳозирги даврда яхши самара бермайди. Чунки хўжаликларда ҳозирча қимматли қоғозларни чиқариш имкониятлари чекланган, келажакда шу масалаларга алоҳида эътибор бериш керак.

Четдан жалб этилаётган инвестициялар чет давлатларнинг, юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг инвестицияларидан ташкил топади.

Чет эллик инвесторлар асосан даромад (фойда) олиш мақсадида тадбиркорлик фаолияти ва қонун ҳужжатларида таъқиқланмаган бошқа турдаги фаолият объектларига қўшадиган барча турдаги моддий ва номоддий бойликлар ва уларга доир ҳуқуқлар, шу жумладан, интеллектуал мулкка доир ҳуқуқлар, шунингдек, чет эл инвестицияларидан олинган ҳар қандай даромад республика ҳудудида чет эл инвестициялари ҳисобланади. Улар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қуйидаги йўллар билан амалга оширилади:

- республика қишлоқ хўжалигидаги юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг Устав жамғармаларида ва бошқа мол-мулкида улуш қўшиб қатнашиш;

- тармоқда чет эллик инвесторгарга тўлиқ қарашли бўлган хўжалик жамиятлари ва ширкатлари, банк, суғурта ва бошқа корхоналарни барпо этиш ва ривожлантириш;

- мол-мулк, акциялар ва бошқа қимматли қоғозларни, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси резидентлари томонидан эмиссия қилинган қарз маблағларини сотиб олиш;

- интеллектуал мулкка, шу жумладан, муаллифлик ҳуқуқлари, патентлар, фирма номлари ва ноу-хауларга, шунингдек, ишчанлик нуфузига (гудвиллга) ҳуқуқлар киритиш ва бошқалар.

Уларни чет давлатлар ёки бу давлатларнинг қуйидаги ҳудудий органлари амалга оширадilar:

- давлатлараро битимлар ёки бошқа шартномаларга мувофиқ ташкил топган ёки халқаро оммавий ҳуқуқ субъектлари бўлган халқаро ташкилотлар;
- чет давлатларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил топган ва фаолият кўрсатиб келаётган юридик шахслар, ширкатлар, уюшма ва ташкилотлар;
- чет эл фуқаролари бўлмиш жисмоний шахслар ва бошқалар.

Ҳозирги даврда мамлакат қишлоқ хўжалигини бошқаришни такомиллаштиришга ва ишлаб чиқаришини ривожлантиришга Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банкнинг республикадаги бўлимлари ҳамда АҚШ, Германия, Исроил, Голландия, Франция ва бошқа давлатларнинг ваколатхоналари инвестицияларни жойлаштириш, сарфлаш орқали муайян даражада ҳисса қўшиш ишлари билан шуғулланмоқда. Лекин уларнинг инвестициялари талабни қондирадиган даражада эмас. Шунинг учун бу масалага, яъни чет эл инвестицияларини жалб этиш муаммосига келажакда алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқдир.

3.2.Капитал қўйилмлар қўламини кенгайтириш ва ривожлантириш

Келажакда қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базасини талаб даражасида барпо этиш, меҳнат ресурсларининг билимларини, малакаларини, тажрибаларини ошириш учун капитал қўйилмалар сарфлашни давом эттириш керак. Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун, аввало, давлат ҳамда маҳаллий бюджетлардан ажратилаётган инвестицион маблағларни ўз вақтида олишга эришиш керак. Шу билан бирга тармоқ, корхоналар иқтисодиётини юксалтириш натижасида уларнинг фаолиятини келажакда инвестициялаш учун кўпроқ маблағ

ажратилишини таъминлашга алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқдир. Бунда корхоналар ихтиёридаги фондларнинг маблағларини ҳам оқилона сарфлашга ҳаракат қилиш керак. Чунки улар инвестициялар кўламини кенгайтиришнинг реал манбалари ҳисобланади.

Ҳукуматимиз томонидан қулай инвестиция сиёсатини олиб бориш мақсадида қуйидаги тамойилларга устувор аҳамият қаратилмоқда: ташқи иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштириш; республика иқтисодиётига тўғридан-тўғри капитал қўйилмаларнинг кенг жалб қилинишини таъминловчи ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа шароитларни янада такомиллаштириш; юртимизга жаҳон даражасидаги технологияларни олиб кирувчи, миллий хўжаликнинг замонавий тузилмасини ташкил этишга кўмаклашувчи чет эл инвесторларига нисбатан қулай шароитлар яратиш сиёсатини изчил олиб бориш; энг муҳим устувор йўналишларга маблағларни йўналтириш⁷.

Бундан кўринадики, корхоналарни техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, замон талабларига мос бўлган товар ва хизматларни ишлаб чиқариш ва айниқса, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг кейинги тўлқинлари зарбасига ижтимоий-иқтисодий талофатларсиз бардош бериш, уларнинг салбий оқибатларини бартараф этиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда комплекс ёндашувларга урғу берилмоқда. Юртбошимиз таъкидлаганидек, "... жаҳон захира валюталарининг беқарорлиги, молия-банк тизими кредит қобилятининг кескин пасайиши ва инвестициявий фаолликнинг сусайиши билан боғлиқ мураккаб муаммолар кўплаб давлатлар иқтисодиётнинг тикланиш ва ўсиш суръатларига таъсир кўрсатмоқда"⁸.

2011-2015 йилларда таркибий ўзгаришларни, иқтисодиётнинг соҳа ва тармоқларини диверсификация ва модернизация қилишни изчил давом эттириш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик янгилаш, шунингдек, транспорт, муҳандислик, коммуникация ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш

⁷Собиров А. Ўзбекистон Республикасига хорижлик инвесторларни жалб қилиш шакллари. /Иқтисодиёт ва таълим, 2011 й., 5-сон.

⁸Ислом Каримов. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. Т.: Ўзбекистон, 2012 йил, 4-бет.

жараёнларини янада чуқурлаштиришга қаратилган фаол инвестиция сиёсати олиб борилади.

Ушбу мақсадлар учун 2011-2015 йиллар давомида охирги беш йил мобайнида ўзлаштирилган инвестицияларга қараганда 2 баробар кўп, жами 77,4 миллиард доллар миқдоридаги инвестицияларни йўналтириш мўлжалланмоқда. Асосий капиталга киритилаётган инвестицияларнинг ялпи ички маҳсулотга нисбатан улуши 24 фоиздан кам бўлмаслиги таркибий ўзгартиришларни жадал амалга ошириш ва иқтисодийни модернизация қилишни таъминлайди.

Инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришнинг асосий ҳажми ички ресурсларни сафарбар қилиш ҳисобидан амалга оширилади. Келгуси йилларда бу кўрсаткич ялпи капитал қўйилмалар ҳажмининг 76 фоизини ташкил этади.

Бу маблағлар, аввало, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашни амалга ошираётган корхоналарнинг ўз маблағларини кўпайтириши, солиқ юкини янада камайтириш, тижорат банкларининг ресурс базасини мустаҳкамлаш ва аҳолининг тадбиркорлик фаолиятдан оладиган даромадларини ошириш ҳисобидан ҳосил бўлади.

Стратегик муҳим, биринчи навбатда, инфратузилмани шакллантириш, ишлаб чиқаришни реконструкция қилиш ва модернизация этишга қаратилган лойиҳаларни амалга оширишга ички ресурсларни жалб этишда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси алоҳида ўрин эгаллайди. Мазкур жамғарманинг таркибий ўзгаришлардаги тобора ортиб бораётган ролини инобатга олган ҳолда, яқин йилларда унинг ҳисобида 10 миллиард доллардан зиёд маблағ жамланади.

Бу вазифаларни амалга ошириш 2011-2015 йиллар давомида 13 миллиард доллардан зиёд ёки ўтган беш йилдагига нисбатан 1,7 баробар кўп тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини таъминлайди. Ушбу маблағлар энг илғор технологиялар билан жиҳозланган ва хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш ҳамда рақобатдош тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайдиган, мамлакатимиз экспорт салоҳиятини ошириш ҳамда янги иш ўринларини яратишга

хизмат қиладиган янги саноат корхоналарини ташкил этиш бўйича чет эл инвесторлари иштирокидаги 320 тадан ортиқ йирик инвестиция лойиҳасини амалга оширишга йўналтирилади.

Бундай лойиҳалар ҳақида сўз борганда, аввало “Клаас” компанияси билан ҳамкорликда қишлоқ хўжалиги техникасини ишлаб чиқаришни ташкил этиш, техник ва поликристалл кремний ишлаб чиқариш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришнинг тўлиқ циклига эга бўлган вертикал интеграциялашган текстиль мажмуаларини, тайёр дори препаратларини ишлаб чиқарадиган корхоналарни барпо этиш ва бошқа лойиҳаларни қайд этиш мумкин.

Иқтисодиётни таркибий ўзгартиришда Ўзбекистон йирик халқаро молия институтлари, ҳукумат ташкилотлари ва хорижий банкларни, биринчи навбатда мамлакатимиз билан йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича ўзаро ҳамкорлик алоқаларини кенгайтиришга катта қизиқиш билдираётган Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки, Ислон тараққиёт банки, Япония, Жанубий Корея ва ХХР тараққиёт банклари, қатор араб давлатларининг инвестиция фондларини жал этиш масаласига катта аҳамият беради.

Айнан ана шу ҳамкорликнинг молиявий кўмагида келгуси йиллар давомида қишлоқ хўжалиги ерларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, қишлоқ хўжалиги техникаси ишлаб чиқаришни ташкил этиш каби кўплаб лойиҳалар амалга оширилади.

Қишлоқ хўжалигига талабни қондирадиган даражада инвестиция капитал кўйилмалар сарфланишини келажакда ишончли таъминлаш учун инвестицияларни амалга оширувчи юридик ҳамда жисмоний шахслар кўламини кенгайтириш талаб этилади. Бундай шахслар республика ёки чет давлатлардан бўлиши мумкин. Бунда, ҳозирги даврда қишлоқ хўжалигидаги инвестицион жараённи шакллантиришда суи қатнашаётган инвесторларни интенсивроқ жалб этишга алоҳида эътибор бериш лозим.

Ҳозирги даврдаги чекланган миқдордаги банкларнинг кўламини кенгайтиришга эришиш лозим. Бунинг учун уларга ҳуқуқий, иқтисодий шарт-шароитлар яратиб бериш зарур. Шу билан бирга қишлоқ хўжалигига

кўмаклашаётган молия-кредит институтларини, жумладан, қишлоқ кредит уюшмалари ёки кооперативларини ташкил этиш, уларнинг фаолиятини ривожлантириш керак. Бундай кредит институтларининг ҳуқуқий асоси яратилган: Республика Олий Мажлисининг иккинчи чақириқ IX сессиясида (2002 йил, август) «Кредит уюшмалари тўғрисида»ги қонун қабул қилинган. Шунга асосланган ҳолда, Қишлоқ кредит уюшмалари ёки кооперативларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини ривожлантириш орқали қишлоқ хўжалигига инвестиция оқимини кўпайтиришга эришиш мумкин. Улар нодавлат, нотижорат кредит институти бўлгани маъқул. Шунинг учун уларга давлатнинг имтиёзли иқтисодий ёрдами зарур. Бу ёрдамни давлатнинг қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга қаратилган қуйидаги дастурлари асосида амалга ошириш мумкин:

- «Озиқ-овқат муаммосини ҳал этиш»;
- «Ирригация ва мелиорация ишларини ривожлантириш»;
- «Қишлоқ фаунасини, флорасини ҳамда экологиясини яхшилаш»;
- «Янги иш жойларини ташкил этишни ривожлантириш, ишсизликни юмшатиш»;
- «Қишлоқда малакали мутахассисларни тайёрлаш мақсадида «Билими-малака» дастурини тузиш»;
- «Қишлоқда ижтимоий соҳани ривожлантириш» ва бошқалар.

Бундан ташқари янги ташкил этилган қишлоқ кредит кооперативларида айрим фондлар бўйича давлат субсидиялари ва кафолатлари тизимини жорий этиш лозим. Ташкил этилаётган қишлоқ кредит кооперативлари бошланғич капиталининг 35-45 фоизи давлатнинг имтиёзли ҳамда фоизсиз кредитлари ҳисобидан шакллантирилиши мақсадга мувофиқдир. Қишлоқ кредит кооперативларини ташкил этиш жараёнида давлатнинг роли қуйидагилар билан чегараланиши мақсадга мувофиқдир:

- республикадаги қонун яратувчи идоралар бу кооперативлар учун мамлакат миқёсида ҳамда хорижий давлатларда тўлиқ фаолият юритишнинг ҳуқуқий асосларини яратиб бериши;
- ушбу кооперативларнинг илмий, услубий муаммолари бўйича тадқиқот

ишларини ривожлантириш учун ҳукумат томонидан қулай муҳит яратилиши;

- уларни ташкил этиш бўйича чет эл экспертларини жалб этиш ва маҳаллий мутахассислар томонидан хорижнинг илғор тажрибаларини ўрганишга изчиллик билан ёрдам бериш;

- давлат идораларининг раҳбар ва мутахассислари янгидан ташкил этилаётган қишлоқ кредит кооперативларининг афзалликларини барча ахборот воситалари ёрдамида тарғиб этишга, тушунтиришга қаратилган фаол сиёсат олиб боришлари, уларни амалда ташкил этишга кўмаклашишлари зарур.

Кредит кооперативларини қишлоқ ҳудудларида ташкил этиш учун қуйидаги шартлар бажарилиб, ижобий муҳит шакллантирилган бўлиши зарур:

- қишлоқ хўжалик корхоналарининг раҳбар, мутахассислари, шунингдек, меҳнатга қобилиятли аҳолининг ушбу молия-кредит институтига ишониши ва уни ҳурмат қилиш ҳолатининг мавжудлиги;

- шу молия-кредит институти фаолиятида фаол иштирок этиш учун аҳоли молиявий фаровонлик даражасининг юқорилиги бу аҳолининг бўш маблағлари мавжудлигидан далолат беради;

- барча бўғиндаги давлат ҳокимияти идоралари ва бошқа ташкилотларда қишлоқ хўжалиги корхоналарини, айниқса, фермер ва деҳқон хўжаликларини, кичик корхоналарни кредитлаштириш ривожлантирилишини таъминлайдиган ушбу ғояни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб, унга хайрихоҳлик муносабатлари мавжудлиги. Чунки қишлоқ кредит кооперативларининг ташкил этилиши қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини кредитлаштириш билан шуғулланадиган молиявий бозорда эркин рақобатчилик ривожланишини таъминлайди;

- қишлоқ жойларида ходимлар, мутахассислар кредит кооперативларининг малакали ходимларга бўлган талабини қондира оладиган даражада мавжудлиги;

- қишлоқ ҳудудларида янги кредит кооперативларини ташкил этиш бўйича ижтимоий, иқтисодий муҳитнинг талаб даражасида шаклланганлиги ва бошқалар.

Демак, қишлоқ ҳудудларида кредит кооперативларини ташкил этиш масаласининг ижобий ҳал этилишини жадалалаштириш учун юқорида

таъкидланган шарт-шароитларни тезроқ шакллантиришга энг аввало тармоқдаги тадбиркорлар, қолаверса, давлат ва нодавлат идоралари алоҳида эътибор беришлари зарур.

Янгидан ташкил этилаётган қишлоқ кредит кооперативлар нодавлат, нотижорат молия ташкилоти юридик мақомига эга бўлиши лозим. Уларнинг асосий мақсади фойдаланиш учун берилаётган капитал эвазига фойда олиш эмас, балки қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчи, хизмат кўрсатувчи хўжаликлар фаолияти ривожланишига имкон берадиган кредит олиш шароитлари яхшиланишини таъминлашдир. Бундай кооперативлар бераётган кредитлари учун ўз аъзолари мажбуриятлари юзасидан, яъни жамоатчилик асосида кафолат беради, берилган қарзларни ўз вақтида суғурталайди, аъзоларидан пай бадалларини йиғади ва бошқа иқтисодий муносабатларни амалга оширади. Чунки кооперативнинг ҳар бир аъзоси жамғарма фондига қўшган ҳиссасидан қатъи назар бир овозга эга.

Қишлоқ кредит кооперативлари фаолиятининг асосий тамойиллари қуйидагилардан иборат бўлиши керак:

- истеъмолчига яқин бўлиши, бунинг учун у фермерлар, ширкатлар уюшмаси ҳудудида ташкил этилиши ва фаолият кўрсатиши мумкин. Бу унга фермерлар, деҳқонлар, пудратчилар, бошқа корхоналар ҳамда аҳоли аъзо бўлишини таъминлайди;

- кредит кооперативи мажбуриятлари юзасидан унинг аъзолари чекланмаган миқёсдаги жамоатчилик асосида жавобгарликка эга бўлиши;

- кооперативга кириш бадали ҳамда пайлари суммаси жуда катта бўлмаслиги, олинган фойда кооперативнинг бўлинмас ва заҳира фондларини ривожлантиришга сарфланиши;

- кооперативнинг иқтисодий негизи ҳисобланган бўлинмас мулкни барпо этиш, бу мулкнинг минимал миқдорини белгилаш;

- олинган кредитлардан фақат Низомда кўрсатилган мақсадлар учун фойдаланиш;

- бошқариш органларининг мавжудлиги ва уларнинг жамоатчилик асосида фаолият кўрсатиши.

Қишлоқ кредит кооперативининг Низоми шу тамойилларга асосланган ҳолда ишлаб чиқиши керак. Низомда кооператив фаолиятининг самарали бўлишини таъминлайдиган барча масалалар тўлиқ акс эттирилади. У кучли, ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади. Бу ўринда Низом мазмунига тўлиқ тўхталмасдан унга фақат қишлоқ хўжалигини кредитлаштиришни такомиллаштириш нуқтаи назардан ёндашамиз.

Қишлоқ кредит кооперативининг асосий фаолияти кооператив аъзоларига кредит бериш ва пул маблағларини жамғариш каби хизматларни кўрсатишдан иборат. Шунга мос ҳолда ушбу хизматни амалга ошириш учун кооперативнинг кредит сиёсати ишлаб чиқилади ва низомда белгилаб қўйилади. Улар қуйидагилардир:

- кимга қарз берилади;
- қандай мақсадлар учун қарз берилади;
- кооперативнинг бир аъзоси учун бериладиган қарзнинг максимал миқдори;
- қарз бериш муддати, қарздан фойдаланганлик учун тўлов миқдори (фоиз ставкаси);
- қарзни қайтариш кафолати;
- келишмовчилик ва низоларни ҳал этиш.

Қарз фақат кооператив аъзоларига берилади. Яна бир муҳим жиҳати шундаки, қарз низомда кўрсатилган мақсадлар учунгина берилади. Қарзни ишлатиш мақсадини аниқлаш кредитор бўлганлиги сабабли кооперативнинг ўз манфаатларини ҳимоя қилиши лозимлиги билан изоҳланади.

Кредит кооперативи фаолиятининг дастлабки даврида, яъни кредит ресурслари фонди энди шаклланаётган вақтда берилаётган қарз миқдорини аниқлаш зарур. Чегараловчи ҳолатлар берилаётган қарзнинг қайтарилиш кафолатини оширишга йўналтирилган бўлиши лозим. Битта аъзога берилаётган

қарзлар миқдори ҳар хил бўлиши мумкин ва у кредит фондининг ҳолатига қараб белгиланади. Бериладиган қарзнинг энг катта миқдорини кооперативнинг пай фонди ҳажми даражасида чегаралаш мақсадга мувофиқдир. Бу кооператив аъзосинининг ўзига боғлиқ бўлмаган у ёки бу сабаб билан қарз бўлиб қолиш ҳолатларида рўй бериши мумкин бўлган йўқотишларни қоплаш кафолатини беради.

Кооператив аъзоларига қарз бериш муддатини белгилаш катта аҳамиятга эга, чунки қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш билан шуғулланиш пул маблағлари келиб тушиши ва унга бўлган эҳтиёжнинг даврийлигини келтириб чиқаради. Қишлоқ кредит кооперативи учун қарз муддати 6 ой ва ундан кўпга белгиланиши мақсадга мувофиқдир.

Кредит кооперативи фаолиятининг муҳим жиҳати қарздан фойдаланганлик учун тўлов миқдори ҳисобланади. Агар кооперативнинг кредит фонди фақат омонат учун қўйилган хусусий маблағлар ҳисобига шаклланса, қарзлар кичик фоиз билан берилиши мумкин. Тўлов ставкаларини асослаш ва белгилашда кредит фонди шаклланишида юзага келадиган харажатларни ҳисобга олиш керак. Иқтисодий беқарорлик шароитида жалб қилинаётган маблағлар қиймати ўзгаришини ҳисобга олиб, низомда кредит учун тўловнинг аниқ миқдорини белгилаш шарт эмас, балки унинг қуйи ва юқори чегараларини белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқ. Низомда кўрсатилган вазиятнинг энг мақбул варианты кооператив бошқарувига кузатув кенгаши билан биргаликда иқтисодий вазиятнинг ўзгаришини ҳисобга олиб, қарздан фойдаланганлик учун тўлов ставкаларини имкон қадар паст белгилаш ҳуқуқини бериш керак.

Фоиз ставкаларининг ўзгартирилишини қуйидагича ифодалаш мумкин:

- унинг кўпайиши – фақат қарздан фойдаланиш учун фоизнинг ўзгариши вақтида тузилган шартнома асосида ҳисобга олинади;
- унинг камайиши—барча шартномалар, жумладан, олдин тузилган шартномалар асосида ҳисобга олинади. Келишилган вақтда тузилган шартномада қарздан фойдаланиш учун фоиз кўрсатилади ва кейинчалик у амал қилаётган вақтда барча ўзгартиришлар киритилади.

Берилаётган қарзнинг кафолатли таъминоти кредит сиёсатининг муҳим жиҳатларидан бири ҳисобланади. Қарзни қайтаришнинг кафолатли таъминоти усуллари қуйидагилар бўлиши мумкин: қарз миқдориға лойиқ гаров бериш (гаров шартномаси имзоланади) ёки қарз олаётган шахс билан уни ўз вақтида тўлаш мажбуриятини баробар бўйнига олган кооперативга кўпчилик аъзоларнинг ишонч билдиришлари.

Кооператив аъзоларига қарз бериш тартиби ва унинг миқдори кооператив низомига мос ҳолда умумий йиғилиш томонидан белгиланади. Бошқарув кенгаши қарз бериш бўйича қарорларни мақсадга мувофиқ ҳолда мустақил қабул қилиши керак.

Низомда қарз беришнинг тахминан қуйидагича тартиби белгиланиши лозим:

- қарзнинг умумий суммаси, қарз олишнинг аниқ мақсади, муддати ва қайтариш кафолати кўрсатилган белгиланган шаклдаги ариза;

- кооператив бошқарувининг ариза берувчининг кредитни қайтариш қобилиятига берган баҳоси;

- кооператив аъзоларига қарз бериш учун умумий йиғилиш томонидан қарор қабул қилиниши.

Умумий йиғилиш қарори асосида кооператив билан унинг аъзоси ўртасида қарз шартномаси имзоланади. Унда кредит кооперативи низомида белгиланган қонуний ҳолатлар, ўзаро муносабатлар ва асосий вазиятлар ўз аксини топшиши керак. Қарз шартномасида томонлар розилиги билан қарзни узиш тартиби ҳамда қарз берувчиларнинг олинган қарздан фойдаланиши устидан назорат қилиш имкониятлари кўрсатилади.

Кредит кооперацияси фаолиятининг асосий йўналиши кооператив аъзолари шахсий жамғармаларини жалб қилиш бўлиши мумкин. Қишлоқ аҳолиси жамғармасини тўплаб, жамғарма омонатларига яхши шароит яратиш билан кредит кооперативининг ривожланиши учун мустаҳкам молиявий асос яратиш мумкин. Кооператив ва унинг аъзолари ўртасидаги жамғармаларни сақлаш тартиби ва шарти бўйича ўзаро муносабатларда шартнома тузилиб, умумий йиғилиш томонидан тасдиқланиши керак.

Қишлоқ кредит кооперативи бухгалтерия ҳисоботи андозаларига мос ҳолда ҳисоботларни амалга оширадики, улар қуйидагиларни ўз ичига олади: умумий қоидалар–меъёрий ҳужжатлар, тамойиллар, бухгалтерия ҳисоби масаласи, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботиға жавобгарлик; ҳисоб техникаси– низом жамғармасидаги операцияларни бадалларни кўрсатган ҳолда акс эттириш; фонднинг ташкил топиши, ундан фойдаланиш тартиби ва эркин хусусий маблағларнинг қолган қисми. Кредит кооперативи умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган фойда ва харажатлар сметаси ҳар йили чорак (квартал) ларға ажратилган ҳолда тузилади.

Шундай қилиб, қишлоқ кредит кооперативлари тижорат банкидан ўз фаолиятининг мақсади, ташкилий-ҳуқуқий шакли, фойдани тақсимлаш усули, хусусий маблағининг манбаи ва хизмат кўрсатиши билан тубдан фарқ қиладиган алоҳида турдаги молиявий институт ҳисобланади.

Мамлакатда қишлоқ кредит кооперативларини ривожлантириш босқичма-босқич амалга оширилиши керак, чунки, аввало, фермер ва деҳқон, шунингдек, бошқа турдаги қишлоқ хўжалик корхоналари бундай тузилмаларни барпо қилиш зарурлигини ва аҳамиятини тушуниб етишлари лозим. Шундагина кооператив банклар туман ва вилоят кооперативларини бирлаштирувчи кўп даражали қишлоқ кредит кооперация тизимини шакллантириши мумкин. Бу тизимнинг вазифалари қатъий тақсимланган бирламчи кредит бўғинларидан то ҳудудий ва марказий кооператив банклар иттифоқи кўринишидаги ташкилий тузилма сифатида тузилиши мумкин. Бундан ташқари, қишлоқ хўжалигини инвестициялаш жараёнига турли хилдаги банкларнинг, инвестиция, лизинг ва суғурта компанияларининг, ишлаб чиқариш концернларининг, савдо ва бошқа корхона ҳамда ташкилотларнинг маблағларини жалб этиш лозим. Бунинг учун уларға давлат ҳамда қишлоқ хўжалиги томонидан маълум даражада иқтисодий имтиёзлар яратилиши зарур. Шундагина улар ўз маблағларини қишлоқ хўжалигига солиши мумкин. Барча манбалардан шаклланаётган капиталқўйилмаларини қишлоқ хўжалигида қуйидагиларға сарфлаш мақсадга мувофиқдир:

- фойдаланилаётган ерларнинг унумдорлиги юксалишини таъминлайдиган тадбирлар мажмуасини бажаришга;

- янги ерларни комплекс ўзлаштиришга;
- тармоқда фан ва самарали технологияларни ривожлантиришга;
- ирригация, мелиорация шахобчаларини қуришга, мавжудларининг ишга яроқлилигини таъминлаш мақсадида таъмирлашга;

- янги, самарали тракторларни, машиналарни, комбайнларни сотиб олиш ва мавжудларини таъмирлашга;

- ишлаб чиқариш бино-иншоотларини қуришга, мавжудларини таъмирлашга;

- кўп йиллик дарахтзорлар, боғзор, токзорлар яратишга;
- сермахсул чорва ҳайвонларини талаб даражасида кўпайтиришга;
- тармоқни барча ишлаб чиқариш воситалари билан таъминлашга;
- меҳнат ресурсларини такрор ишлаб чиқариш, интеллектуал мулкни ривожлантиришга;

- ижтимоий соҳаларни ривожлантиришга ва бошқаларга.

Барча йўналишлар бўйича қишлоқ хўжалигига сарфланаётган капитал қўйилмаларнинг мақсадга мувофиқ йўналтирилиши таъминланиши керак. Шунда капитал қўйилмалар соф капитал қўйилмага айланади. Яъни фойдаланиш мумкин бўлган ишлаб чиқариш ресурслари кўпаяди. Улардан оқилона, самарали фойдаланиш натижасида қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти, ялпи ва соф даромади ортади. Бу капитал қўйилмаларнинг иқтисодий самарадорлиги юксалишини таъминлайди.

Хулоса ва таклифлар.

Капитал қўйилмаларнинг халқ хўжалиги ва қишлоқ хўжалигидаги аҳамияти улкан. Биринчидан, капитал қўйилмалар жами харажатларнинг асосий қисми ҳисобланади. Капитал қўйилмалардаги ўзгаришлар жами талабга етарлича таъсир кўрсатади, шунингдек аҳолининг бандлиги ва ялпи миллий даромад (ЯМД) ҳажмининг ҳам ўзгаришини таъминлайди.

Иккинчидан, капитал қўйилмалар корхонанинг асосий фондлари жамғарилишига, яъни кўпайишига олиб келади. Бунда ишлаб чиқариш кучларини кенгайтиришга сарф қилинган пул маблағлари бошланғич босқичда корхона фаолияти натижаларига таъсир этмаслиги мумкин, лекин келажакда иқтисодий ўсиш учун зарур базани яратади.

Учинчидан, капитал қўйилмаларнинг нораціонал сарф қилиниши ишлаб чиқариш ресурслари, харажатлар ўсишига олиб келади, натижада ЯМД қисқаради. Мисол учун, тугатилмаган қурилишнинг кўпайиши, моддий ресурслар ошиши, тўланадиган иш ҳақининг кўпайиши ҳамда ишлаб чиқаришнинг қисқариши шулар жумласидандир. Худди шундай тарзда норитмик ҳолда етказиб берилган воситалар меъёрдан юқори бўлиб, корхона захираларига ҳам таъсир кўрсатади. Улар сарфланаётган капитал қўйилмаларнинг қиймати ўсишига ҳамда самарадорлигига таъсир этади.

Капитал қўйилмаларнинг миқдори, динамикаси ва самарадорлиги қуйидаги омилларга боғлиқ:

- капитал қўйилма амалга оширилаётган лойиҳага;
- мамакатдаги ва корхона фаолиятидаги иқтисодий ўзгаришга;
- давлатнинг солиқ сиёсати ва банкларнинг фоиз ставкасига;
- ташқи савдодаги иқтисодий ҳолатга;
- миллий валютанинг ички ва ташқи курсига;
- мамлакатнинг сиёсий ҳаётидаги барқарорликка.

Капитал қўйилмалар қишлоқ хўжалигининг ҳар томонлама ривожланишини таъминлайди. Чунки улар эвазига тармоқнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланади. Улардан тўлиқ ва самарали фойдаланиш натижасида жонли меҳнат харажатлари қисқариб, маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми кўпайиб, сифати яхшиланади. Бу ҳол қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган талаб янада яхшироқ қондирилишини таъминлайди. Шу билан биргаликда соф фойда суммаси кўпаяди. Натижада қишлоқ хўжалигини кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш асосида ривожлантириш имконияти туғилади. Аҳолининг ижтимоий-иқтисодий аҳволи янада юксалади. Булар капитал қўйилмаларнинг ижтимоий ҳамда иқтисодий самарадорлиги мавжудлигидан далолат беради.

Келажакда қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базасини талаб даражасида барпо этиш, меҳнат ресурсларининг билимларини, малакаларини, тажрибаларини ошириш учун капитал қўйилмалар сарфлашни давом эттириш керак. Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун, аввало, давлат ҳамда маҳаллий бюджетлардан ажратилаётган инвестицион маблағларни ўз вақтида олишга эришиш керак. Шу билан бирга тармоқ, корхоналар иқтисодиётини юксалтириш натижасида уларнинг фаолиятини келажакда инвестициялаш учун кўпроқ маблағ ажратилишини таъминлашга алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқдир. Бунда корхоналар ихтиёридаги фондларнинг маблағларини ҳам оқилона сарфлашга ҳаракат қилиш керак. Чунки улар инвестициялар кўламини кенгайтиришнинг реал манбалари ҳисобланади.

Давлат ҳамда қишлоқ хўжалиги томонидан маълум даражада иқтисодий имтиёзлар яратилиши зарур. Шундагина улар ўз маблағларини қишлоқ хўжалигига солиши мумкин. Фермер хўжалигида сарфланаётган капитал қўйилмаларниқуйидагиларга сарфлаш мақсадга мувофиқдир:

- 1.Фойдаланилаётган ерларнинг унумдорлиги юксалишини таъминлайдиган тадбирлар мажмуасини бажаришга.
- 2.Янги ерларни комплекс ўзлаштиришга.
- 3.Тармоқда фан ва самарали технологияларни ривожлантиришга.
- 4.Ирригация, мелиорация шахобчаларини қуришга, мавжудларининг ишга

яроқлилигини таъминлаш мақсадида таъмирлашга.

5.Янги, самарали тракторларни, машиналарни, комбайнларни сотиб олиш ва мавжудларини таъмирлашга.

6.Ишлаб чиқариш бино-иншоотларини қуришга, мавжудларини таъмирлашга.

7.Кўп йиллик дарахтзорлар, боғзор, токзорлар яратишга.

8.Сермахсул чорва ҳайвонларини талаб даражасида кўпайтиришга.

9.Тармоқни барча ишлаб чиқариш воситалари билан таъминлашга.

10.Меҳнат ресурсларини такрор ишлаб чиқариш, интеллектуал мулкни ривожлантиришга.

11.Ижтимоий соҳаларни ривожлантиришга ва бошқаларга.

Барча йўналишлар бўйича қишлоқ хўжалигига сарфланаётган капитал қўйилмаларнинг мақсадга мувофиқ йўналтирилиши таъминланиши керак. Шунда капитал қўйилмалар соф капитал қўйилмага айланади. Яъни фойдаланиш мумкин бўлган ишлаб чиқариш ресурслари кўпаяди. Улардан оқилона, самарали фойдаланиш натижасида қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти, ялпи ва соф даромади ортади. Бу капитал қўйилмаларнинг иқтисодий самарадорлиги юксалишини таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар

1.Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т. Иқтисодиёт. - 2012.
3. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. - Т. “Ўзбекистон”, 2001 йил.
4. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. Т.: “Ўзбекистон”, 2005.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда Т. Ўзбекистон 2000 йил.
6. Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” 2008 йил.
7. Каримов И.А. “Экспорт қилувчи корхоналарни рағбатлантиришни кучайтириш ва рақобатбардош маҳсулотларни экспортга етказиб беришни кенгайтириш борасида қўшимча чора тадбирлар тўғрисида” ги қарори. 2012 й. 26 март.
8. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 27 январда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги маърузаси.
9. Каримов И.А. 2008 йил 9 февралдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг навбатдаги мажлисида Президентимиз сўзлаган нутқида мамлакатимизда 2007 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари, истиқболлари ва муаммолари ҳамда 2008 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари. 2008 йил. 9-феврал.
10. И.А. Каримовнинг “Биз танлаган йўл демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли” 2003 йил.
11. И.А. Каримовнинг 2011 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2012 йилга мўлжалланган энг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи газетаси, 2012 й.

12. Абдуғаниев, А.А. Абдуғаниев, “Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти” Т. “Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси”, 2004 й.
13. Р.Х. Шодиев, Э.Р. Маҳмудов “Жаҳон иқтисодиёти” Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2005 й.
14. Абатуров В., Саматов Ғ. Ўзбекистон товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, Д.Рустамов, «Тахма» ахборот таҳлил маркази. «Кичик ва бизнес - давлат сиёсати устувор йўналиши». Бозор, пул ва кредит. Сентябрь, 2000 й.
15. Ахмедов И.А., Алимов А.М. “Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолият асослари”. 2001 й.
16. Ергашев Е. “Иқтисодий ва молиявий таҳлил”. 2000 йил. 255 бет.
17. Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами. 2010 йил. 127 бет.
18. Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси. Тошкент Адолат 2000 йил. 240 бет.
19. Ғуломов С.С. Маркетинг асослари. Тошкент, ТошДАУ 2002 йил. 227 бет.
20. А.Саматов, Ж.Ёдгоров, И.Рустамоваларнинг “Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш” Тошкент-2005 йил.

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИГА

ТАҚРИЗ

Битирувчи: Абдуназаров Умарали Хўрозович

Мавзу: Фермер хўжалигида сарфланаётган капитал қўйилмаларнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш йўллари.

1. **Мавзунинг долзарблиги ва аҳамияти.** Фермер хўжалигида сарфланаётган капитал қўйилмаларнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш йўллари илмий-амалий жиҳатларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этиб, бу мавзунинг долзарблигини белгилайди.
2. **Ишнинг мазмунини баҳолаш:** Талабафермер хўжалигида сарфланаётган

капитал қўйилмаларнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш йўллари аҳамияти бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиққан.

3. Ишнинг тавсифи ва унинг афзалликлари: Фермер хўжалигида сарфланаётган капитал қўйилмаларнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш йўллари аҳамияти ва заруриятини, қўллаш имкониятларини ошириш йўллари, ҳамда иш жараёларини ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсири ёритилган.

4. Ишни бажаришда фойдаланилган манбалар ва уларни қўллашда битирувчининг маҳорати: Талаба ишни бажаришда Ўзбекистон Республикасининг “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонуни, Республика президентининг асарларидан, мажлисдаги маърузаларидан, Ўзбекистон республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг маълумотларидан кенг фойдаланган, битирув малакавий ишни бажаришда ўринли қўллаган.

5. Битирувчининг мунозара юритиш қобилиятига баҳо бериш: Битирувчи билан мунозара юритиш натижасида талабанинг қобилиятли, билимли эканлиги намоён бўлди.

6. Хулоса, таклифлар ва далилларнинг асосланганлиги: хулоса, таклифлар ва далиллар асосланган, ҳар бир натижа манбалар билан асослаб берилган.

7. Ишдаги график ва жадваллар, уларнинг расмийлаштириш даражаси: Ишда 2 та графикли расм, 7 тадан ортиқ жадваллар берилган. график ва жадваллар, тўғри расмийлаштирилган.

8. Ишдаги камчиликлар: Ишда имло хатоларга йўл қўйилган, айрим жадвалларда манбалар тўлиқ кимники эканлиги кўрсатилмаган.

9. Муаллифнинг қайси таклифини ишлаб чиқаришга тавсия этиш мумкинлиги: Фермер хўжалигида сарфланаётган капитал қўйилмаларнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш йўллари бўйича қуйидаги илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди: - Фермер хўжалигида сарфланаётган капитал қўйилмаларнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш йўллари ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб қувватлаш; - капитал

қўйилмаларнинг иқтисодий самарадорлигини рағбатлантириш механизмини яратиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш лозим.

10. Битирув иши бўйича умумий хулоса: Умуман олганда битирув малакавий иши стандарт талабларига жавоб беради. Битирув малакавий ишининг хулоса ва таклифлари ишлаб чиқариш жараёнларига тадбиқ этилиши ижобий натижа бериши мумкин. Битирув малакавий иш химояга тавсия этилади ва ишни ижобий баҳолаш мумкин. Битирувчи 5610100 - Фермер хўжалигини бошқариш йўналиши бўйича бакалавр даражасини олишга лойиқ. Ишни ижобий баҳолаш мумкин.

(Ф.И.Ш)

(Такризчининг иш жойи ва унвони)

(Имзо)

2014 йил «24» май .

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИГА

ТАҚРИЗ

Битирувчи: Абдуназаров Умарали Хўрозович

Мавзу: Фермер хўжалигида сарфланаётган капитал қўйилмаларнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш йўллари.

1. Мавзунинг долзарблиги ва аҳамияти. Фермер хўжалигида сарфланаётган капитал қўйилмаларнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш йўллари илмий-амалий жиҳатларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этиб, бу мавзунинг долзарблигини белгилайди.

2. Ишнинг мазмунини баҳолаш: Талабафермер хўжалигида сарфланаётган капитал қўйилмаларнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш йўллари аҳамияти бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиққан.

3. Ишнинг тавсифи ва унинг афзалликлари: Фермер хўжалигида сарфланаётган капитал қўйилмаларнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш йўллари аҳамияти ва қўллаш имкониятларини ошириш йўллари, ҳамда иш жараёларини ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсири ёритилган.

4. Ишни бажаришда фойдаланилган манбалар ва уларни қўллашда битирувчининг маҳорати: Талаба ишни бажаришда Ўзбекистон Республикасининг “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонуни, Республика президентининг асарларидан, мажлисдаги маърузаларидан, Ўзбекистон республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг маълумотларидан кенг фойдаланган, битирув малакавий ишни бажаришда ўринли қўллаган.

5. Битирувчининг мунозара юритиш қобилиятига баҳо бериш: Битирувчи билан мунозара юритиш натижасида талабанинг қобилиятли, билимли эканлиги намоён бўлди.

6. Хулоса, таклифлар ва далилларнинг асосланганлиги: хулоса, таклифлар ва далиллар асосланган, ҳар бир натижа манбалар билан асослаб берилган.

7. Ишдаги график ва жадваллар, уларнинг расмийлаштириш

даражаси: Ишда 2 та графикли расм, 7 тадан ортиқ жадваллар берилган. график ва жадваллар, тўғри расмийлаштирилган.

8. Ишдаги камчиликлар: Ишда имло хатоларга йўл қўйилган, айрим жадвалларда манбалар тўлиқ кимники эканлиги кўрсатилмаган.

9. Муаллифнинг қайси таклифини ишлаб чиқаришга тавсия этиш мумкинлиги: Фермер хўжалигида сарфланаётган капитал қўйилмаларнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш йўллари бўйича қуйидаги илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди: - Фермер хўжалигида сарфланаётган капитал қўйилмаларнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш йўллари ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб қувватлаш.

10. Битирув иши бўйича умумий хулоса: Умуман олганда битирув малакавий иши стандарт талабларига жавоб беради. Битирув малакавий ишининг хулоса ва

таклифлари ишлаб чиқариш жараёнларига тадбиқ этилиши ижобий натижа бериши мумкин. Битирув малакавий иш химояга тавсия этилади ва ишни ижобий баҳолаш мумкин. Битирувчи 5610100 - Фермер хўжалигини бошқариш йўналиши бўйича бакалавр даражасини олишга лойиқ. Ишни ижобий баҳолаш мумкин.

(Ф.И.Ш) (Такризчининг иш жойи ва унвони) (Имзо)

2014 йил «24» май .

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ БЎЙИЧА

ХУЛОСА

Битирувчи: Абдуназаров Умарали Хўрозович

Мавзу: Фермер хўжалигида сарфланаётган капитал қўйилмаларнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш йўллари.

1.Бажарилган ишга баҳо: Кириш, адабиётлар шарҳи, 3та боб, хулоса ва таклифлар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати берилган. Фермер хўжалигида сарфланаётган капитал қўйилмаларнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш йўллари аҳамияти ва вазифаси. Бу вазифалар мавзумизнинг долзарблигини белгилаб беради. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, фермер хўжалигида сарфланаётган капитал қўйилмаларнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш йўллари илмий-амалий жиҳатларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этиб, бу мавзунинг долзарблигини янада оширади. Шундан келиб чиққан ҳолда танланган мавзу долзарбдир.

2.Ишни бажарувчига баҳо: битирув малакавий иши режа асосида ёритилган,

жадваллар таҳлил қилинган ,адабиётларга шарҳ берилган,мавзу бўйича хулоса ва таклифлар берган,мавзуни очиб бера олган.

3.Умумий хулоса :Битирув малакавий иши режага мос равишда ёзилган,Битирув малакавий иш химояга тавсия этилади ва ишни ижобий баҳолаш мумкин.

Битирув малакавий иши раҳбари,

катта ўқитувчи:

Наринбоева.Г.К.

2014 йил«20» май.

ДОКЛАД.